

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ



**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Бош илмий - методик марказ педагог ва раҳбар
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни
ташқил этиш курси тингловчиси **Шомирзаев Махматмурод**
Хурамовичнинг битирув иши асосида

Тошкент - 2018

АННОТАЦИЯ

Монографияда олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ўрганиш ва унинг асосида инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш имкониятлари, инновацион тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширишнинг ташкилий- иқтисодий жараёнлари, устувор йўналишлари ва асосий омилларнинг мазмун-моҳияти ёритилган.

Шунингдек, таълим тизимида инновацион тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хусусиятлари, инновацион фаолиятини амалга ошириш йўллари, уларни ривожлантириш истикболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ

В данной монографии исследованы значение развития инновационного менеджмента в образовании, основные направления развития и проведён анализ сущности и содержания инновационной деятельности, также определены основные направления развития инновационной деятельности в высших учебных заведениях. Разработаны рекомендации и предложения по развитию и совершенствованию инновационной деятельности в высших учебных заведениях.

ANNOTATION

The monography reflects the essence and significance of organizational and economic processes, priorities and key elements of innovation entrepreneurship, innovative business activity in the higher education system and the development of innovative entrepreneurship on its basis.

Also, proposals and recommendations on the development of innovation entrepreneurship in the education system, ways to implement innovative activities, prospects for development have been developed.

Масъул муҳаррир: **Туймурод ШОЙМАРДОНОВ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Такризчилар:

Мамлакат МАХКАМОВА

Иқтисод фанлари доктори, профессор

Нарзулла МУСЛИМОВ

Педагогика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий - методик маркази
Илмий-методик Кенгашининг 2018 йил 4 -июлдаги 3-сон йиғилишида кўриб
чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мамлакатимизда вояга етиб бораётган баркамол авлод ватанимиз истиқболининг мустаҳкам таянчи ва ҳалқимиз амалга ошираётган буюк ишларнинг муносиб давомчиси ҳисобланади. Шу боис ёш, баркамол авлодга таълим тарбия бериш соҳасида эришилган муҳим натижа ва ютуқларни атрофлича таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки юксак таррақиётни таъминлашда баркамол авлоднинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни самарали амалга ошириш, буюк давлат куриш учун, албатта етук, замон талабларига жавоб берадиган кучли мутахассис кадрларни тайёрлаш зарурлигини ҳаётни ўзи кўрсатиб турибди. Бу мақсадларга эришиш учун белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўз аксини топган. Мустақиллик йилларида том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда. Мамлакатда юқори малакали кадрларни тайёрлаш меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлашга, илмий фаолиятни самарали ташкил этиш орқали илмий сиғими юқори бўлган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш эса бир қанча ижтимоий муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Бунда янги иш жойларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, кишилар меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш кабиларни таъкидлашимиз мумкин. Шу билан бирга мамлакатда аҳолининг интеллектуал салоҳияти юқори даражага кўтарилиши иқтисодий реал секторида инновацион фаолиятни ривожлантиришга замин яратади. Натижада жамият аъзолари эҳтиёжи қондирилиши доимий равишда таъминлаб борилади.

Бугунги кунда илм-фан ва таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, меҳнат бозорида рақобатбардошликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Илм-фан ва таълим соҳасидаги институционал ўзгаришлар, биринчи навбатда, ўқитиш сифати, илмий салоҳият даражасини оширишга қаратилган бўлса, иккинчидан инновацияларни ривожлантириш негизида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун республикамизда интеллектуал салоҳиятни ошириш ва уларда рағбатлантириш тизимини кенг жорий этиш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Маълумки, инновацион фаолиятнинг асосий компонентлари фан, таълим, инвестиция ҳамда амалиётга янгиликлар киритилиши билан белгиланади. Бу компонентлар ичида фан асосийларидан бўлиб, инсон фаолиятининг маълум соҳаси ҳисобланиб, унда воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимлар яратилади ва улар назарий жиҳатдан аниқ бир тизимга келтирилади. Фан ва таълим ютуқларининг ҳаётга тадбиқ этилиши илмий фаолият, яъни илмий-тадқиқот, илмий-техник фаолият ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқариш фаолияти натижасига боғлиқ.

Президентимизнинг 7 февраль 2017 йилдаги «2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси» ҳақидаги фармони ҳам таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш заруриятини билдиради. Бунда таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш; таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби масалаларнинг долзарблиги кузда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151 сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мазкур монографиянинг долзарблигини билдиради.

Монографияда олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ўрганиш ва унинг асосида инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш имкониятларини таҳлил қилинган бўлиб, уни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- таълим тизимини модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни амалга оширишнинг шарт-шароитлари ва имкониятларини аниқлаш;

- инновацион ривожланиш - муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш омили сифатида талқин этиш;

- хорижий давлатларда инновацион тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича халқаро тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳолатининг таҳлили;

- олий малакали кадрларни тайёрлашда инновацион тадбиркорликнинг ўрни ва таълим сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- олий малакали кадрлар тайёрлашда инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш имкониятлари ва истикболлари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Мазкур монографияда Республикамиз олий таълим муассасаларига инновацион тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йўллари ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Монографияда фойдаланилган адабиётларда келтирилган олимларнинг ишлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларидаги таълим самарадорлигини оширишга доир ғоялар, талаба шахсини шакллантиришга доир қадриятли ёндашувлар,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги 3151-сонли “Олий олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ -4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони каби меъёрий ҳужжатлардан ва Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича бўлими томонидан тайёрланган “Ўзбекистон: Олий таълим тизими модернизацияси” мавзусидаги ҳисоботидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сон Қарори, шу билан бир қаторда педагогика йўналишидаги миллий ва хорижий олимлар, мутахассисларнинг илмий асарлари, мақолалари ва монографияларидан ҳамда Ўзбекистон Республикасида таълимга оид қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан битирув иши мазмун-моҳиятини очиб беришда кенг фойдаланилди.

Монографиянинг якуний натижаларидан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида инновацион тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йўллари орқали интеграцион ҳамкорлик масалаларига замонавий менежмент нуктаи-назаридан ёндашишда, таълимга инновацион тадбиркорликнинг замонавий усулларини жорий этишда фойдаланиш мумкин.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инновация, инновацион фаолият ва инновацион жараёнларнинг моҳияти ҳамда уларнинг фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари раўнақида тутган ўрни

Республикаимиз Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан асос солинган ва дунёда “Ўзбек модели” номи билан тан олинган тараққиёт йўлидан бормоқда. Ушбу тараққиёт йўлиимизнинг негизида бозор муносабатларига асосланган инновацион иқтисодиётни қуриш ётади.

Босиб ўтилган чорак аср мобайнида республикаимизда бозор муносабатларига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Чунончи, шу йиллар ичида мустақил суверен республикаимизда бозор муносабатларига ва кўп мулкчилик, чунончи хусусий мулк ва тадбиркорликка асосланган иқтисодиётни шакллантириш, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш, иқтисодий ислохотларини борган сари босқичма-босқич чуқурлаштириш, барча тармоқ ва соҳаларни модернизациялаш ва диверсификациялаш, маҳсулот сифати ва экспортбоплигини ошириш, ишлаб чиқариш, фан, таълим ва бошқа соҳаларни узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш борасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди.

2016 йил 4 декабрда янги сайланган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида тараққиёт йўлиимиз борасида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: “Биз муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттираимиз. Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий

кудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир”¹.

Инновацион иқтисодиёт, номланишидан ҳам кўриниб турибдики, негизда инновациялар, инновацион фаолият ва инновацион жараёнлар ётадиган ҳамда бевосита улар ҳукмронлик қиладиган иқтисодиётдир. Ушбу иқтисодиётни характерли хусусиятлари айнан инновациялар, инновацион фаолият, инновацион жараёнлар ҳамда улар бўйича фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаг амалга ошириладиган корпоратив ҳамкорликнинг мазмун ва моҳиятида намоён бўлади. Шу боис ҳам, дастлаб, мазкур тушунчаларга тўхталамиз.

Ҳам «инновацион иқтисодиёт»², ҳам «инновацион фаолият»³, ҳам «инновацион жараён»⁴ атамалари негизда, кўриниб турибдики, авваламбор, **«инновация»** сўзи, ушбу сўз негизининг ўзида эса **«новация»** сўзи ётади. Ўзбек тили луғатига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча **«innovation»**, русчасига **«инновация»** сўзи луғатларда «нововедение», «новаторство» сифатида талқин этилган. Рус тилида берилган талқинга кўра бу сўз ўзбек тилига «янгилик киритиш», «янги усул», «киритилган янгилик» каби маъноларда ўгирилган ва изоҳланган. **«Новация»**, лотинча **«novation»** сўзи рус тилидаги луғатларда «изменение», «обновление», ўзбек тили луғатларида эса «ўзгариш», «янгиланиш» маъносида талқин этилган.

“Инновациялар” атамасига янги иқтисодий тушунча, атама, тоифа сифатида Австриялик олим Йозеф Шумпетер ўзининг “Иқтисодий ривожланиш назарияси”⁵ номли асарида асос солган ва унинг тавсифини

¹ Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2016 йил, 15 декабрь.

² Ушбу тушунчада инновация яхлит мамлакат миқёсидаги иқтисодиёга нисбатан қаралади

³ Ушбу тушунчада инновация иқтисодиётнинг куйи бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти сифатида қаралади

⁴ Ушбу тушунчада инновация макон ва замонда юз берадиган ишлар, операциялар мажмуаси сифатида қаралади

⁵ Шумпетер Й. А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982.

берган. Н.К. Юлдашев, Ш.А.Мирсаидова ва Е.Д. Голдманлар⁶ Йозеф Шумпетер томонидан инновацияга хос бўлган бешта типик ўзгаришлар ажратилганлигини эътироф этадилар. Булар:

- янги техника, янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни янги бозор таъминотидан фойдаланиш;
- янги хусусиятларга эга маълумотларни татбиқ этиш;
- янги хом ашёдан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва унинг моддий–техник таъминотини ташкил қилишдаги ўзгаришлар;
- янги сотиш бозорларини пайдо бўлиши⁷.

“Инновация-капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқаришнинг янги шаклларига, жумладан янгича назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усулларига киритишдан олинган, моддий тус олган натижадир” (И.Балабанов).

“Инновация - интеллектуал маҳсулот-ихтиро, ахборот ноу-хау, ёки ғоя иқтисодий мазмунига эга бўладиган жараён” (Т.Браян).

“Инновация - тизим сифатида корхона фаолиятидаги мақсадли ўзгаришдир” (И.Болдашек).

“Инновация – ўтказилган илмий тадқиқот, амалга оширилган кашфиёт натижасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган, олдингиларидан тамомила фарқ қиладиган объект” (В. Мединский).

“Инновация - бошқарув объектини ўзгартириш ҳамда иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа турдаги самара олиш мақсадида янгиликлар жорий қилишнинг якуний натижасидир” (П.Патхутдинов). «Инновация» атамаси махсус луғатларда ва адабиётларда

⁶ Қаранг: Юлдашев Н.К., Мирсаидова Ш.А., Голдман Е.Д. “Инновацион менежмент“, -Т.:, 2011 й. ТДИУ босмахонаси

⁷ Қаранг: Юлдашев Н.К., Мирсаидова Ш.А., Голдман Е.Д. „Инновацион менежмент“, -Т.:, 2011 й. ТДИУ босмахонаси

ҳам турлича таърифланган ҳамда изоҳланган. Чунончи, В.А. Макаренко⁸ таҳрири остида нашр этилган замонавий тушунча ва терминлар луғатида ушбу терминга қуйидагича тавсиф берилган: “Инновация – бу:

-техника ва технология авлодини алмашинувини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ йўналтириш;

- илмий-техника тарақиётининг масъули бўлган янги техника, технологиядан фойдаланиш;

- янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш;

- индивидуал тусдаги, такрорланмас, сиёсий дастурларни амалга ошириш;

- янгидан ташкил этиш, нисбатан янги кўриниш.

Юқорида келтирилган таърифлар, изоҳларга асосланиб таъкидлаш жоизки, «новация», «инновация», «инновацион фаолият», “инновацион жараён” ҳар қандай кишилиқ жамиятини, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини раванқ топтириш учун амалга оширилаётган ишларни, жараёнларни, моддий ва номоддий кўринишдаги янги яратилаётган мулкни ифодаловчи тушунчалардир.

Инновация хўжалиқ юритувчи субъектларда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни, унинг моддий техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган махсус фаолиятдир. Фаолият сифатида инновацияларни инсоният меҳнат фаолиятининг барча жабҳаларида қўллаш мумкин. Бу фаолиятни юритиш жамиятда фан-техника тараққиётига олиб келади. Инновацион фаолият, чунончи, қуйидаги йўналишлардаги янгиликларни ихтиро қилиш ва жорий қилишни ўзида мужассамлаштиради:

- янги маҳсулот;
- янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни ташкилий шакли;

⁸ Макаренко В.А.. Современный словарь. В 2 т.-М., 2000 год.

- янги бошқарув жараёни ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши, уларга мос равишда, янги молиявий дастаклар ва ташкилий тузилмалар. Шундай қилиб, инновацияларни жорий қилишнинг энг оптимал даражаларини эътиборга олган ҳолда инновацион фаолиятга қуйидагича таъриф ва тавсифларни бериш мумкин бўлади .

Инновацион фаолият – бу ишлаб чиқаришни, унинг моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган жараёнлар мажмуаси. Инновацион фаолият ўз ичига маълум босқичли жараёнларни олади. Ушбу босқичли жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар

Инновацион фаолиятни мазмун ва моҳиятига, пировард олинadиган натижасига кўра корхоналар томонидан олиб бориладиган ички инвестиция фаолиятининг таркибий қисми, яъни унинг бир бўлаги деб ҳисоблаш мумкин. Ички инвестиция фаолияти инновацион фаолиятдан ташқари капитал қурилиш, янги техника ва технологияларни сотиб олиш, мавжуд

ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, кенгайтириш, реконструкция қилиш каби ишларни ҳам бевосита ўз ичига олади. Демак, ички инвестицион фаолият инновацион фаолиятга нисбатан мазмунан кенг тушунча ҳисобланади. Инновацион фаолиятга сарфланган маблағлар жами капитал инвестициянинг янги ғоя, ишланмалар, жараёнлар, маҳсулот, хизмат турларини яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга тааллуқли бўлган қисмидир.

Шундай қилиб, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, инновацион фаолият макон ва замонда юз берган ва бераётган, ўзининг моддий ва номоддий кўринишдаги ҳамда пулда баҳоланадиган мулк шаклидаги пировард маҳсулига эга бўлган, бунга эришиш учун маълум сарф-харажатларни талаб қиладиган хўжалик фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Айнан шу мазмунда корхоналарнинг инновацион фаолияти улар бошқарувининг ўта муҳим объектларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инновация ва илмий техника соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий вазифаси – бу мамлакат ичидаги ҳамда дунё мамлакатларида турли тармоқ ваа соҳаларда мавжуд бўлган инновацион имкониятлардан ҳамкорликда унумли фойдаланишдир.

Дунё мамлакатлари, шунингдек алоҳида олинган давлат миқёсида унинг инновацион имкониятини аниқлашни уч хил усул билан амалга ошириш мумкин. Булар:

- ✚ худудий (регион инновацион имкониятининг ўртача солиштирма кўрсаткичи);

- ✚ таркибий (хўжалик юритиш тармоғининг инновацион имкониятини ўртача солиштирма кўрсаткичи);

- ✚ ижтимоий (халқ инновацион имкониятининг ўртача солиштирма кўрсаткичи).

Ушбу усулларга таянган ҳолда макон ва замонда ҳар бир мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси инновацион имкониятларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин (2-расм).



2-расм. Мамлакат инновацион имкониятларининг турлари

Халқнинг инновацион имконияти жамиятнинг илмий салоҳияти ва илмий йўналишини ифодалайди, бу, ўз навбатида, уни минталетети, ривожланиш тарихи, ижтимоий ва сиёсий аспектларга боғлиқдир.

Регионнинг инновацион имконияти маълум бир регионнинг ривожланиш чегарасини (имкониятларини) аниқлайди. Ушбу кўрсаткич территориал-худуднинг инновацион имкониятига киради, лекин давлатни регионал инновацион сиёсатини белгилашда, уни ташкил этишда муҳим асос бўлади.

Фаннинг инновацион имконияти бу илмий шароитни, илмий муҳитни янгиликлар ва ихтиролар яратиш қобилияти қандай эканлиги билан белгиланади.

Тармоқни инновацион имконияти бу уни ташкил қилган корхоналарнинг ўртача инновацион имкониятлари даражаси билан бегиланади.

Ишлаб чиқаришнинг инновацион имконияти ишлаб чиқаришни техник ва технологик имкониятлари чегарасини белгилайдиган кўрсаткичдир. Ишлаб чиқариш жараёнида инновация фақат агарда ишлаб чиқариш инновацион имконияти талаб даражасига мос келганда, талаб қилинганда қўлланиши мумкин. Тескари ҳолда (акс ҳолда) корхонани инновацион имконияти даражасини кўтариш учун қайта жиҳозлаш, ускуналарни янгилаш лозим бўлади.

Корхонанинг инновацион имконияти, бу ишлаб чиқаришнинг инновацион имкониятлари даражасига боғлиқ бўлади, лекин корхонани бошқа бўлинмалари инновация имкониятлари билан оширилади.

Мамлакатни ижтимоий иқтисодий ўсиши юқорида келтирилган инновацион имкониятлардан корпоратив тарзда, яъни ҳамкорликда самарали фойдаланишни тақоза этади. Айниқса, фан таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион корпоратив ҳамкорлик объектив зарурат ҳисобланади. Чунки, айнан ушбу учта занжирли ҳамкорликда давлатнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни ошириш, инновация ва илмий-техника тарақиётини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий шароитларини юзага чиқаришга қаратилган мақсадли дастурлари реалликка айланади.

Давлатни иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион корпоратив ҳамкорликни таъминлашга қаратилган мақсадли дастурлари ўз ичига қуйидаги йўналишларни олади:

1. Натижалари ўрта муддатли шароитларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи, илмий ва технологик инновацияларни давлат томонидан ташкиллаштириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш.

2. Илмий-техника тадқиқотлари, амалий-техник тадқиқотлар, технологиялар ва рақобатбардош маҳсулотни саноат ишлаб чиқариш циклини узлуксизлигини таъминлаш.

3. Дастур доирасида ишлаб чиқилган ва ўзлаштириладиган, прогрессив, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш.

4. Илмий инновация ва саноат соҳаларида янги иш ўринларини яратиш.

Давлатнинг фан-техника тарақиётини тартибга солиш соҳасидаги тартибга солиш тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олиши зарур:

-илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳаси ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари ресурсларни тақсимлаш орқали илмий техника янгиликларини давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб қўвватлаш;

- инновацион жараёнларнинг субъектларига турли хил имтиёزلарни тақдим этиш (ҳам инновацияларни амалга ошираётган бевосита тадбиркорларга, ҳам уларни ёки бу даражада қўллаб-қўвватлаётган инфратузилма элементларига);

-иқтисодиётда инновацион муҳитни шакллантириш ва илмий техник ахборотлар миллий хизматини, патентлаш ва лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, статистика, хорижий тажрибани ўрганувчи тахлилий марказлар, илмий техник ривожланаши прогнозлаштирувчи кадрларни тайёрлаш кабиларни ўз ичига олувчи тадқиқотлар ва ишланмалар таъминоти инфратузилмаси ҳамда улар асосида қарор қабул қилувчи шахсларни устувор илмий, миллий тизимлар билан таъминлаш.

Инновацион менежмент - бу инновацион жараёнлар, инновацион фаолият, бу фаолият билан банд бўлган ташкилий тизимлар ва уларнинг ходимларини бошқариш тамойиллари, усуллари ва шакллари

мажмуасидир. Менежментнинг ҳар қандай бошқа соҳалари каби инновацион менежментга ҳам қуйидаги кетма-кетликлар хос:




3-расм. Иновацион менежмент босқичлари

Ҳар бир босқичида белгиланган вазифалар ҳал қилинади. Биринчи босқич - режалаштириш босқичида - стратегияни амалга ошириш режаси тузилади. Иккинчи шартлар ва ташкил қилиш белгиланади, янги инновацион даврнинг ҳар хил паллаларини амалга ошириш учун ресурсларни белгилаш, ходимлар олдида вазифаларни қўйиш, ишни ташкил қилиш киради. Ижро этиш босқичида текширишлар ва ишлаб чиқаришлар бажарилади, режа амалга оширилади. Раҳбарлик босқичи назорат ва таҳлилни ҳаракатларга тузатиш киритиш ва тажриба тўплашни кўзда тутди. Бу ерда инновацион лойиҳалар, инновацион бошқарув қарорлари ва янгиликларни қўллашнинг самарадорлиги баҳоланади.

Иновацион менежментнинг моҳияти, мақсадлари, характери, мазмуни ва хусусиятлари, унинг бошқарувдаги анъанавий турларидан катта фарқ қилинишини белгилаб беради ва ҳолатлар инновацион жараёнга айланади.

Иновацион жараённинг ўзига хос жиҳати ҳар бир янгиликнинг қуйидаги таркибдаги босқичларда ифодаланадиган даврийлик тавсифига эга эканлигидир.




4-расм. Инновацион жараённинг таркибий боскичлари

Олий мактабнинг инновацион фаолиятида турли даражадаги ҳужжатлардан – халқаро ҳуқуқ актлари, маҳаллий қонунлардан тортиб, то ҳокимиятнинг маҳаллий ташкилотларининг қарорлари, ОЎМТВ, таълимни минтакавий бошқарув ташкилотлари қарорлари, ҳамда олий таълим муассасасининг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлардан фойдаланилади.

Бугунги кунда, олий таълим муассасаларининг мустақиллиги ортиб бораётган шароитда, унинг раҳбари бевосита қонун меъёрларига, шу жумладан халқаро қонун меъёрларига асосланиш имкониятига эга бўлади. Бундай бошқарув амалиёти ўз-ўзидан инновацион ҳисобланади.

ОТМ нинг меъёрий-ҳуқуқий таъминотини ривожлантиришда “Таълим тўғрисидаги” Қонун алоҳида ўрин эгаллайди. Қонунни билиш ОТМ раҳбарига бутун инновацион фаолиятда ўз жамоасининг манфаатларини ҳимоя қилиш, ОТМ томонидан мустақил амалга оширилаётган педагогик ва бошқарув жараёнларига аралашувларнинг олдини олиш имконини беради. Таълим тизимида инновацияларнинг моҳияти шундаки, янги авлодга таълим бериш ва тарбиялашга нисбатан янги ёндошувларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш тушунилади. Ҳар қандай инновациялар замонавий

информацион технологияларни ривожлантириш шартларини ҳисобга олиши керак. Барча бошқаларига нисбатан, янгиликлар киритиш яна тўртта йўналишда фойдаланилиши керак:



5-расм. Янгиликлар киритишнинг тўртта йўналиши

Инновацияларни жорий этиш бир қатор назарий ва амалий тавсифга, шунингдек маълум таваккалчиликка эга бўлган мураккаб жараён эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Шу билан бирга, бу ҳолат кишиларни таълим тизимини яхшилаш йўлидан тўхтатмаслиги лозим, акс ҳолда у анча вақтгача эскирган таълим усулларида фойдаланиш ҳавфини юзага келтиради, ҳамда ёшларни нафақат олий таълим муассасаларида ўқишга бўлган қизиқишларини, балки уларнинг маънавий, психологик, этик, ижтимоий ва маданий ривожланиш даражасининг пасайишига олиб келади.

Инновацион менежментнинг энг характерли белгилари қуйидагилардан иборат:

- инновацион менежментнинг мақсадга эришиш ҳақидаги ҳар хил тасаввурларга эга турли туман инновацион тизимлардан иборат;
- инновацион жараёнлар эҳтимолий характерга эга ва ўзининг моҳияти бўйича кучсиз дитерминацияланган (асосланган);
- инновацион жараёнлар ижодий характерга эга;
- инновацион тизимларда инновацион соҳа ходим-инноватор марказий субъекти бўлади;
- новатор ва инновацион менежернинг инновацион фаолият субъектлари сифатидаги шахсини таъсир кўрсатишнинг энг янги усулларини

кўллашни талаб қилувчи мураккаб социал тизим сифатида кўриб чиқиш керак;

- инновацион фаолиятнинг натижавийлигини ошириш учун эгилувчан, мослашувчи маънавий-ахлоқий ва шахсий ёндашишлардан фойдаланиш керак.

Инновацион менежментда батафсил таҳлил ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш тизимли йўналишда тўлиқроқ очилади. Тизимли таҳлилнинг марказий тушунчаси тизимидан, янги бир-бирлари ва атроф муҳит билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи таркибий қисмлар ва элементларнинг мураккаб ички қурилиши, катта сонига эга объектдан иборат. Катта ва мураккаб иерархик тизимларга қуйидагилар хос:

- умумий мақсаднинг мавжудлиги;
- яхлитлик ва тугалланганлик;
- бажарилаётган вазифаларнинг катта миқдорлари ва катта сони;
- вазифаларнинг кўп жиҳатлилиги ва турли туманлиги;
- мусобақалашувчи, рақобатлашувчи ва ҳар томонга йўналтирилганлиги.

Инновацион жараён - инновацион ўзгаришларни тайёрлаш ва амалга оширишдан иборат бўлади ва ягона бир бутунни ташкил этувчи ўзаро оширилган ўзгариш инновация пайдо бўлади.

Янгиликлар киритиш, ёки инновациялар кишиларнинг ҳар қандай касбий фаолияти соҳаси учун ҳам хосдир, шу боисдан ҳам ўрганиш, таҳлил қилиш ва татбиқ қилишнинг предмети ҳисобланади. Инновациялар ўз-ўзидан яратилмайди, улар илмий изланишларнинг, айрим ўқитувчилар ва бутун жамоанинг илғор педагогик тажрибасининг натижаси ҳисобланади. Бу жараён стихияли бўлиши мумкин эмас, у инновацион менежментни талаб қилади. Педагогик жараёнга нисбатан инновация ўқитиш ва тарбиялашнинг шакли ва усуллари, мазмуни ва мақсадига, ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишга нисбатан янгилик киритишни англатади.

Умуман олганда, таълимда инновациялар деганда янгиликларни яратиш (ишлаб чиқиш), ўзлаштириш, фойдаланиш, кенг тарқатишни ўз ичига олувчи комплекс фаолият тушунилади.

1-жадвал

Инновацион жараёнларни ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Омиллар	Инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омиллар	Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар
Иқтисодий	Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларни рағбатлантириш	Инновацион бозорларда рақобатнинг кескинлашуви, инновацион фаолиятни амалга оширишда иқтисодий таваккалчилик ва хавфнинг юқорилиги
Ҳуқуқий	Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш тизими, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилинганлик даражаси	Патент ва лицензия бериш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидаги камчиликлар
Сиёсий	Давлатнинг монополияга қарши сиёсати, эркин иқтисодиётни шаклланиши, миллий инновацион тизимни ривожланиши	Тадбиркорлик фаолиятидаги бюрократик тўсиқлар, хусусий мулкчиликни давлат томонидан қафолатланиш тизимини тўла шаклланмаганлиги, сиёсий бекарорлик
Технологик	Замонавий инновацион технологияларни қўллаш бўйича илмий-техник ютуқларга эришиш, юқори технологияни жорий қилиш	Моддий, илмий-техник ва замонавий лаборатория жиҳозларини етишмаслиги, корхоналарнинг асосий воситаларини маънавий эскирганлиги
Молиявий	Фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар ёки экспериментал ишларни молиялаштириш тизимининг самараси	Йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишининг кечикиши, инновацион инфратузилмани шакллантириш жараёнини суғртилиги
Ташкилий	Мамлакатнинг илмий ва илмий-техник салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш	Фан, техника, иқтисодиёт, бизнес ва бошқарувни бирлаштирувчи инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнларини суғртилиги, илмталаб тармоқлар учун мутахассисларни тезкор тайёрлашни таъминловчи янги дастурларни етишмаслиги
Бошқарув	Инновацион, мотивацион, иқтисодий, ташкилий-маъмурий қисмларни ўз ичига олган миллий, ҳудудий ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларини инновацион ривожлантириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиш	Инновацион менежмент ихтисослиги бўйича кадрларни тайёрлаш ва илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни амалиётга тадбиқ этишдаги муаммолар

Ижтимоий	Таълим муассасаси моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш талаблари ва жамиятнинг ривожланиш даражасига жавоб берувчи, сифатли кадрларни тайёрлаш	Жамиятда илғор ғояларни шакллантириш ҳамда фан ва техниканинг ривожланишини замон талабларига уйғунлаштирадиган воситалар ҳамда глобализация жараёнларига мослаштиришдаги муаммолар
-----------------	--	---

Иқтисодий ривожланишни инновацион йўналтирилганлиги, технологик янгиланишнинг ўсиб бораётган заруриятлари ОТМ ва улар кафедраларида инновацион фаолиятни илмий асосланган тамойиллари ва уларнинг ўзаро таркибий-ташкилий боғлиқлигида ташкил этишни тақоза этади.

Инновацияларни ташкил қилиш ОТМларда ўз ичига учта асосий жиҳатларни олади:

- инновацион фаолиятнинг янгиликларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва таълим-тарбия соҳасини биргаликда амалга оширувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган субъектни;
- олий таълим муассасаси инновацион фаолиятидаги зарурий вазифаларни бажаришга қаратилган жараёнлари ҳаракатларининг мажмуасини;
- тизимни ички тартибга солинганлиги ва унинг элементлари тузумчалари (кафедралар, бўлимлар) ўртасидаги ўзаро алоқаларни такомиллашувини таъминловчи тузилмаларини.

Ушбу нуқтаи назардан инновацияларни ташкил қилиш инновацион фаолиятни тартибга солиш жараёни сифатида, субъект, фирма, институт, инновацион корхона сифатида, бўлинмаларнинг таркиби ва ўрнини белгилаб берувчи, ҳамда инновацион фаолиятда амалга ошириладиган шакллар, усуллар, жараёнлар тадбирларини тартибга солувчи ташкилий тузилмалар сифатида тушуниш керак. Шунга кўра, инновацион бошқарув ғоятда мураккаб жараёндир. Инновацион жараённинг ривожланиши қонуниятларини таҳлил қилиш учун инновацион менежерлар бўлган мутахассислар зарур, улар янгилик киритишларнинг ҳар хил ташкилий – иқтисодий жиҳатлари билан шуғулланадилар. Уларнинг инновацияларни

бошқаришдаги асосий вазифаси—инновацион жараёни илгари суриш, эҳтимоли бўлган тўсиқларни башорат қилиш ва уларни бартараф қилиш йўллариини белгилашдир. Бозор иқтисодиёти учун янгиланган маҳсулотлардан манфаатдор бўлган мустақил олий таълим муассасалари рақобати, рақобатлашуви янгиликлар бозорининг мавжудлигига хосдир. Дунёда юқори рейтингга эга бўлган олий таълим муассасалари муваффақиятларининг кўп сонли тарихи бундан дарак беради. Шу сабабли янгилик киритишларнинг бозорли танлови мавжуд, унда инновацион менежерлар иштирок этадилар. Инновацион менежерлар ижодий жамоаларни ташкил қила туриб, янгиликларни қидириб топиш ва тарқатиш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар портфелини шакллантириш билан шуғулланган ҳолда ҳар хил ташкилий тизимлар, хусусан фанлар академияси, олий ўқув юртлари, илмий жамиятлар, инжиниринг компаниялари ва бошқалар билан бирга ҳаракат қилишлари мумкин. Улар илмий жамоаларни бошқарадилар ва илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирадилар. Буларни барчаси инновацион бошқарувчилар малакаси олдида юқори талабни қўяди: улар илмий-техник ва иқтисодий – психологик салоҳиятга, ҳам анъанавий менежер ва тадқиқотчи олим сифатида эга бўлишлари, янгилик киритишларнинг самарадорлигини баҳолаш ва инновацияларни бошқаришга қодир малакали иқтисодчи бўлишлари керак.

Инновацион менежмент соҳасидаги билим ва кўникмаларни амалга оширишда инновацион менежментдаги концепциялар ҳамда инновацион ёндашувларни билиш асосий омиллардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро стандартларга мувофиқ инновация бозорга тадқиқ этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёхуд хизматларга янгича ёндашиш кўринишида руёбга чиққан инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида белгиланади.

ОТМда инновацион жараён таълим мухотида тегишли ислохатларни босқичма-босқич амалга оширишни тақазо этади. Янгилик (инновация) сотиб олинган ёки шахсий ишлов бўлиши мумкин, шу билан бирга у сотиш учун ёки шахсий корхонада ишлатиш учун қўлланилади.

Талабаларни таёрлаш соҳасида инновация янги ўқув дастурлар, ўқув режалар ва ўқув-услубий материаллар, янги педагогик, ахборот ва ташкилий технологиялар ёки уларнинг бирикмалари, янги таълим технологиялари, ташкилотнинг янги ҳолати ва ҳаказо кўринишида (шаклида) бўлиши мумкин.

ОТМ учун янгиликларни фақат ишлаб чиқиш (тадқиқот натижаларини олиш, дастурлар лойиҳалаш ва ҳаказо) муҳим эмас, балки энг асосийси ушбу янгиликларни жорий қилиш, уни инновацияга айлантириш, яъни инновацион фаолиятни якунлаш (уддалаш) ва ижобий натижа олиш.

Бизнинг юртимизда, инновациянинг мазмунига таъриф беришда, бир томондан унинг мақсади ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан иборатлиги, иккинчи томондан эса, инновация ундан фойдаланиш муайян иқтисодий самарага эришиш имконини берадиган восита ҳисобланишидан келиб чиқиши лозим.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, инновация бу – муайян ижтимоий эҳтиёжларни қондириш асосида иқтисодий самарага эришиш мақсадида тармоқларнинг фаолиятига жорий этилган янгилик (маҳсулотлар, хизматлар, технологиялар).

Инновацияларнинг корхона фаолиятидаги ролини аниқлаш учун уларни жорий этишнинг объектив зарурлигини кўриб чиқиш лозим:

Биринчидан, инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш, бир томондан, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши билан шартланган, иккинчи томондан эса, рақобатбардошлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Иккинчидан, инновацияларни ўзлаштириш бозордаги вақтинчалик монополияни қўлга киритиш орқали қўшимча фойда олиш имкониятига эга бўлишдир;

Учинчидан, радикал инновациялар корхона унга таянган ҳолда етакчи корпорацияга айланиши мумкин бўлган ягона восита ҳисобланади.

Бизнинг, рақобатга дош беролмайдиган ишлаб чиқарувчи бозордан шунчаки сиқиб чиқарилиши туфайли, рақобат инновация фаолиятининг зарур ва мажбурий сабаби ҳисобланади, айти пайтда фойда ва ишлаб чиқариш кўламларини ошириш билан боғлиқ сабаблар эса саноат корхонасини бозорда муайян мавқега эришишга ундайди.

Инновация, инновацион жараёни натижаси ҳисобланади, бунда ихтироларни кашф қилиш (ғояларни ишлаб чиқариш), жорий этиш ва саноат корхонасининг фаолиятида амалда фойдаланиш бўйича меҳнат жараёнларининг йиғиндисини тушуниш лозим.

Иқтисодиётда, техникада ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқларни, янгиликларни ҳаётга жорий этилиши лозим. Лекин ҳар қандай ғоя ҳам илмий ишланмалар дастури ёки янгилик бўлиб ҳисобланмайди. Америка ва Англия мутахассислари баҳосига кўра 10-30 фоиз ғоя ихтиро деб тан олинishi ва улардан 0,5-3,5 фоиз ўзини оқлаши мумкин экан.

Тадқиқот олиб бориш ва илмий ишлар бўйича изланишлар ноаниқлик даражаси юқори бўлган жараён ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам олиб борилган илмий иш янги маҳсулот яратиш имконини беради деб, ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Баъзи бир Америка фирмалари маълумотларига кўра, саноатда битта буюмни бозорда муваффақиятли реализация қилиниши ва ўзини оқлаши учун ўртача 58 та ғоя зарур бўлар экан. 170 та фирмада олиб борилган бошқа илмий тадқиқотлар ишланмаларининг бошланғич босқичида унинг техник ютуғи ўртача 71 фоизини ташкил этишини кўрсатган.

Кўпгина унумли қарорлар ҳаётда қўлланилмайди баъзида истиқболсиз ғоялар мажбуран жорий этилади. Бу ҳаммаси вақтни, маблағни, илмий потенциалнинг бўлинишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида янгиликни жорий этишга, бошқаришга жиддий эҳтиёжни пайдо бўлишига олиб келади.

Инновация иқтисодиётнинг моҳиятини тўлароқ ифодалаш учун қатор

тушунчаларни киритиш лозим бўлади. Биринчиси – барқарор ривожланиш. Иккинчиси – муҳим рол ўйновчи тушунча – кризис. Ҳар қандай тизимда барқарор ривожланиш ва кризис моҳиятига кўра бир-бирига қарама-қарши жараён ҳисобланади. Биринчиси гуркираб ривожланиши, барқарорликни, ишончни ўзида ифода этади; иккинчиси – тартибсизлик ва нотинчликни ўзида акс эттиради. Табиийки, ҳар қандай тизим ҳам барқарорликка интилади, беқарорликни четлаб ўтиш имконини ахтаради. Шунинг учун кризис ривожланаётган организм учун зарур. Сирасини айтганда, барқарорлик кризиссиз яшай олмайди. Жамиятнинг иқтисодий ривожланишига қараб инновацион жараёнларнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда ва ҳозирги босқичда инновациялар иерархиянинг барча даражаларидаги хўжалик юритувчи субъектлар рақобатлашувининг муҳим воситага айланмоқда. Инновация соҳаси инноваторлар, инвесторлар рақобатбардош товар ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар инфраструктура ривожидан ташкил топган бўлади.

Инновация фаолияти илмий, илмий-техник натижаларни ва интеллектуал салоҳиятни янги ёки амалда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ёки хизмат кўрсатиш учун фойдаланадиган йўналишдир.


Инновация жараёни кенгрок тушиниш учун уни ҳар хил позицияда ва деталлаштириш даражасида қараш лозим.

Биринчидан, изчиллик билан бирга илмий-тадқиқот, илмий техник, инновация ишлаб чиқариш фаолияти ва маркетингни амалга оширишдир.

Иккинчидан, янгиликни вақтинчалик ҳаёт даври, яъни ғоянинг пайдо бўлиши, ҳаётга тадбиқ этилиши ва кенг тарқалиши сифатида қараш мумкин. Бундай шароитда у инновацион лойиҳа сифатида намоён бўлади, хусусий ҳолда эса хўжалик ҳаётига инвестиция лойиҳаларининг кенг жорий этилиши сифатида қаралади. Инновацион жараён деганда умумий ҳолда ихтирони, янги технологияни, янги маҳсулотлар ёки хизматни, ишлаб чиқариш, молия, маъмурий ҳарактерга эга интеллектуал фаолият турини тижоратлаш жараёни тушинилади. Инновация жараёнининг тавсифнома ва асосий босқичлари 6-

расмда берилган.

Биринчи босқичда фундаментал тадқиқотлар олиб борилади. Тадқиқотлар академия институтлари, олий ўқув юртлари, ихтисос тармоқ институтлари, лабораторияларида олиб борилади. Молиялаштириш асосан қайтиб бермаслик шарти билан амалга оширилади.



6-расм. Инновация жараёнининг асосий босқичлари.

Иккинчи босқичда амалий ҳарактерга эга бўлган илмий ишлар олиб борилади. Бу барча илмий тадқиқот институтларида олиб борилади ва давлат томонидан яъни бюджетидан ҳамда буюртмачи томонидан амалга оширилади. Маълумки асосий тадқиқотлар натижалари, ҳамма вақт ҳам олдиндан маълум бўлавермайди, шунинг учун бу йўсиндаги хавф-хатар даражаси анча юқори бўлиб, баъзида салбий натижа олиши мумкин ёки боши берк кўчага кириб қолиши ҳам мумкин. Айниқса мана шу босқичда қўйилган капитал маблағнинг йўқотиш хавф-хатар эҳтимоли пайдо бўлади ва инвестиция ва инновация ўсиши хавф-хатарли ҳисобланади. Шунинг учун хавфли инвестиция деб аталади. Хавфли инвестиция билан шуғулланувчи тижорат ташкилотлари **венчур** инвестицияси деб аталади.

Учинчи босқичда тажриба конструкторлик ишлари ва экспериментал ишлаб чиқариш олиб борилади. Улар ихтисослашган

лабораторияларда, конструкторлик бюрolariда (КБ), ишлаб чиқариш тажриба участкаларида, йирик саноат корхоналаридаги илмий-тадқиқот бўлимларида олиб борилади.

Тўртинчи босқичда тижоратлашув жараёни давом этади, яъни ишлаб чиқариш, маҳсулот билан бозорга чиқиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий ҳаётий босқичлари бўйича иш жараёни давом этади.

Учинчи босқич бўсағасида ва бозорга чиқишда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун реклама фаолияти учун катта инвестиция талаб қилинади. Бу инновация босқичида янгиликка бозор реакцияси хали аниқланмаган бўлади ва хавф-хатар даражаси анча юқори бўлади. Шунинг учун инвестиция хавфли ҳарактерга эга бўлади. Ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш учун, маҳсулот рақобатбардошлик даражасини ошириш учун ва инвестиция харажатларини қоплаш учун бу босқичда қиммат баҳо қоғозлар эмиссияси ўтказилади. Бу қўшимча инвестицияни жалб қилиш имконини беради, ундан оқилона фойдаланиш маҳсулот ёки хизмат рақобатбардошлилигини сақлаб қолади. Шу билан бирга инновация жараёни ниҳоясига етади.

Бозор талабини ўрганиш зарурлиги, янгиликлар яратиш ва ишлаб чиқаришнинг талабга эга бўлиб янги маҳсулотларга мослашиши инновацион жараённинг мустақил босқич сифатида юзага чиқарди.

Инновацион жараённинг бозорга мослашувчанлигини кўрсатувчи модел 7-расмда берилган.




7-расм. Инновацион жараённинг бозорга мослашувчанлигини кўрсатувчи модел


Фундаментал фанлар ривож – билимларни йиғиш ва янгилашдек жараёндир. Унинг ташкил этувчиларига янги илмий гипотезаларни тақдим қилиш, тажрибада текшириш ва илмий ҳамжамиятлар томонидан тан олиниши киради.

Инновацион фаолият илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини ўзаро бирлаштириб, уларнинг салоҳиятини оширишга имкон беради ва янгилик сифатида амалиётга жорий этилиши мумкин бўлган илмий кашфиётларни инструменти ҳисобланади. **Инновацион жараён** - илмий жиҳатдан янгилик яратиш учун асос бўладиган фундаментал ғояни амалга ошириб, инновацияларни жорий қилиш орқали самарали натижага эга бўлади.

Бу жараён қуйидаги 8-расмда келтирилган.



8-расм. Инновацион жараёнларнинг умумлашган модели



9-расм. Инновация индустрияси

Юқорида кўрсатилганларнинг ҳаммаси бизга фундаментал изланишларнинг хусусиятларини куйидагиларда кўрсатишга имкон беради:

- 1) улар кўплаб янги техника авлодларига асос солиши мумкин;
- 2) уларнинг ғоялари инкубацион ривожланиш давридан ўтади;
- 3) фундаментал изланишнинг мақсади – жамиятнинг изланиш қобилиятларини қондириш ва ўстириш;
- 4) улар турли самаралар беради: иқтисодий, ижтимоий, стратегик ва ҳоказо.

Шундай қилиб, фундаментал изланишлар аниқ маҳсулот ёки технологик изланиш жараёнига мавҳум муносабатда бўлади. Юқоридагиларнинг барчаси шундан далолат берадики, фундаментал изланишлар инновацион жараёнлар қобиғидан ажралгани, фақат унинг фан салоҳияти ва бозор талабига ўзига хос алоқаси борлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, инновацион жараённи бозорда янгилик киритишини амалга ошириш йўли билан жамият талабларини қондиришга йўналтирилган

илмий технологик, ишлаб чиқариш, маркетинг фаолиятининг ҳамма жабхаларига кириб боровчи жараён сифатида тасаввур қилиш мумкин. Янги инновацион жараён бу жамиятнинг янада замонавий талабларини қондириш ва илмий техника янгилиги бор бўлган маҳсулот ва технологияларни яратиш, тарқатиш ва тадбиқ қилиш жараёнидир.

Шунинг учун инновацион фаолият илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларини ўзаро бирлаштириб, уларнинг салоҳиятини оширишга имкон беради ва янгилик сифатида амалиётга жорий этилиши мумкин бўлган илмий кашфиётларни инструменти ҳисобланади.

1.2.Инновацион ривожланиш - кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш омили сифатида

Ўзбекистонда тезкор модернизация шароитларида, корхоналарнинг техник ва технологик қайта жиҳозланиши, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш шароитларида интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадларида янги илмий-услубий ёндашувлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш , таълим-фан-ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлигини йўлга қўйишда ОТМлари инновацион фаолиятини баҳолаш натижаларининг кўрсаткичлари муҳим амҳамиятга эга.

ОТМ инновацион салоҳиятини ўзаро боғлиқ заҳиралар тўпламига (ички инновацион заҳиралар-таълим, илмий-тадқиқот, бошқарув ва ҳ.к.) ажратиш мумкин. ОТМ инновацион салоҳияти таркибида икки турдаги компонентлар мавжуд (10-расм):

Заҳиравий компонентлар (кадрлар, интеллектуал, моддий-техник, молиявий, инфратаркибий –инфра структуравий).


- функционал компонентлар (инновацион таълим жараёни салоҳияти, илмий-тадқиқот жараёни салоҳияти, инновационн бошқарув жараёни салоҳияти), улар ички жараёнлардаги инновацион заҳиралардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

ОТМ инновацион салоҳияти таркибида заҳираларнинг уч тури алоҳида ўринга эга:

1) кадрлар заҳироаси: ОТМ инновацион ривожини кадрларнинг инновацион жараёнларни илғаш даражаси ва креативлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2) инфраструктуравий: ОТМ инновацион салоҳиятининг барча компонентларини самарали қамраб олишда инновацион инфраструктура қулай имкониятлар тақдим этиши мумкин;

3) нуфузга оид: ОТМларининг халқаро рейтингига мувофиқ (жумладан QS рейтинги), ОТМ фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичлари сифатида олий таълим жамоатчилиги ва бизнес-жамоатчиликнинг фикрлари эътиборга олинади ва шу асосда ОТМнинг инновацияларни муваффақиятли жорий этилишида зарур бўлган нуфузга таалукли салоҳияти шаклланади.



10-Расм. ОТМ инновацион салоҳияти таркиби

Ички инновацион жараёнларни амалга ошириш учун мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш юқори даражадаги инновацион фаолликка эришиш имконини беради. Инновацион фаоллик деганда вужудга келган инновацион шароитларда ички инновацион салоҳият имкониятларидан фойдаланиш тушунилади. Шундай қилиб инновацион фаоллик олий таълим муассасасининг инновацион ривожланишини мажмуий тавсифи сифатида қаралади (ижтимоий, илмий, илмий-техникавий, иқтисодий), натижавий кўрсаткичлар инновацион фаолликни янада ривожлантириш учун асос бўлади. Демак, олий таълим муассасасининг инновацион фаолияти самарадорлиги юзага келган инновацион шароитларда инновацион салоҳият кўрсаткичлар ички имкониятларни амалга ошириш кўрсаткичларига ўтказилганда аниқланиши мумкин..

Инновацион салоҳият олий таълим муассасасининг бу йўналишдаги фаолиятини амалга ошириш учун асос бўлганлиги учун уни баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Бизнингча, олий таълим муассасасининг инновацион салоҳиятини баҳолаш услуги қуйидаги босқичларни ўз ичига олади ((амалдги ёндашувларни эътиборга олган ҳолда):

1. Олий таълим муассаси инновацион салоҳияти таркибидаги ташкил этувчиларни ажратиб олиш.

Ушбу босқичда инновацион салоҳият заҳиравий компонентлари аниқлаб олинади (инновацион салоҳиятнинг биз таклиф этган таркибига мувофиқ кадрларга оид, интеллектуал, моддий-техникавий, молиявий, инфратаркибий, нуфузга оид компонентлар). Функционал компонентлар бирламчи баҳолашда қўлланилмайди, аммо келгуси баҳолашларда кўрилаётган йўналишларга мувофиқ инновацион салоҳиятни баҳолашда асос сифатида хизмат қилади.

2. Олий таълим муассаси инновацион салоҳиятининг заҳиравий компонентларини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини шакллантириш.

Бу босқичда баҳолаш кўрсаткичлари таркиби аниқланади, уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) абсолют сон кўрсаткичлари (натурал ёки пул бирликларида ўлчаниши мумкин);

2) қийсий сон кўрсаткичлари (улушларда ўлчанади);

3) сифат кўрсаткичлари. Олий таълим муассасаси инновацион салоҳиятини баҳолаш учун қўлланиладиган сифат кўрсаткичларининг хос жиҳатлари шундан иборатки, улар сон ўлчамларига эга эмас, шу сабабли балларда ифодаланидиган эксперт баҳолашни талаб қилади. (масалан, «юқори», «ўрта», «паст» мезонлар бўйича).

3. Кўрсаткичларни тартиблаш (меъёрлаштириш)

Мазкур босқичда ОТМ инновацион салоҳиятини таққослашни таъминлаш учун яғна меъёрлаштириш амалга оширилади. Меъёрлаштириш мақсадида қуйидаги функциядан фойдаланилади:

$$n = 2^{\frac{-a}{b}}$$

b – тегишли инновацион салоҳиятнинг амалдаги бирлиги;

a – салоҳиятнинг эталон бирлиги (бизнингча, тегишли йўналишдаги ОТМларининг ўртача кўрсаткичи ягона бирлик сифатида олинishi керак – масалан, техника ОТМлари учун алоҳида, иқтисодиёт, анъанавий ОТМлари учун алоҳида;

n – меъёрлаштиришдан кейинги баҳоланаётган кўрсаткич (0 дон 1 гача ўзгаради).

Айтиш керакки, сифат кўрсаткичлари учун эталон бирликни аниқлашда балларда берилган эксперт маълумотларидан фойдаланиш керак.

4. ОТМ инновацион салоҳиятини ҳар бир заҳира компоненти бўйича аниқлаш:

$$P_i = \sum_{j=1}^{PM} p_{ij} \times \lambda_j, \quad \sum_{j=1}^{PM} \lambda_j = 1$$

1) p_{ij} – иқтисодиёт ОТМнинг инновацион салоҳияти i -нчи унсурининг j -чи кўрсаткичи (босқичда амалга оширилган меъёрлаштиришни ўлчиб олинган ҳолда)

2) s_j – j-нчи кўрсаткичнинг солиштира вазни (ички инновацион жараёнларни амалга оширишга тегишли кўрсаткичлар таъсириги эътиборга олган ҳолда ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида эксперт маълумотларига таянган ҳолда аниқланади

m – инновацион салоҳиятнинг i -нчи унсури таркибидаги кўрсаткичлар сони.

4. ОТМ инновацион салоҳиятини унинг асосий захира компонентларининг йиғиндисини сифатида аниқлаш:

$$P = \sum_{i=1}^M p_i \times r_i \quad \sum_{i=1}^M r_i = 1$$

p_i – ОТМ инновацион салоҳиятининг i -нчи унсури; r_i – солиштира вазни (эксперт маълумотлари асосида аниқланади) бунда ОТМ фаолиятининг хос жиҳатлари эътиборга олинади.

M – инновацион унсурлар (элементлар) сони;

P – ОТМ инновацион салоҳиятининг умумлаштирилган кўрсаткичи.

Шундай қилиб, ОТМ инновацион салоҳиятини баҳолаш натижалари ОТМ инновацион заҳирасидан фойдаланиш тўлиқлик даражасини белгилаш ва инновацион фаолиятга тайёрлигини билишга хизмат қилади..

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган. Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан, 209 касб-ҳунар мактаби, 180 касб-ҳунар лицейи ва 53 бизнес-мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда

бошланғич касб-хунар таълими ўқув юртларида қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-хунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 85 та олий ўқув юртини, шу жумладан 59 та университет ва институтларни, 18 та университетларнинг вилоятлардаги филиалларини ҳамда 8 та хорижий давлатларнинг филиалларини ўз ичига олади, уларда 300 минг талаба таълим олмоқда. 59 та университет ва институтларнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 24 минг ўқитувчининг 37 фоизи фан доктори ва фан номзодларидир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳукукий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда. Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб 4 минг аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олмоқда. Жами илмий ва илмий-педагог кадрларнинг 8 фоизини фан докторлари ва 37 фоизини фан номзодлари ташкил этади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди.

Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва кизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда. Шунга қарамай, содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

Фаолият юритаётган мазкур олий ўқув юртлари лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичи жамиятдаги ўзгаришларни олдиндан илғаб олиш ва фаолиятини шу асосда ташкил этиш ҳамда битирувчиларни жамиятга келтираётган нафи билан белгиланади.

Бу эса, тез ўзгариб турувчи меҳнат бозори эҳтиёжларига мослашишга қодир бўлган олий таълим тизимида рақобат муҳитини яратишни қатъий талаб қилади. Бунга мос ҳолда олий ўқув юртларини ривожлантириш ва улар томонидан сифатли таълим хизматлари кўрсатилишини рағбатлантирувчи рақобатни кучайтириш заруратга айланиб бормоқда.

II-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Хорижий давлатларда инновацион ёндашув тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари

Бугунги кунда хорижий мамлакатларнинг таълим тизимининг асосида «Интеллектуал капитал» тушунчаси ётади. Интеллектуал капитал иқтисодий тизимнинг рақобатбардошлигини белгиламоқда ва унинг ривожланиши учун муҳим манба ҳисобланмоқда. Интеллектуал капиталдан фойдаланиш, уни ривожлантириш, ташкил этиш жараёнида бозор муносабатларининг барча субъектлари, жумладан тижорат, давлат ва жамоат ташкилотлари иштирок этади. Ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий муваффақиятли ривожланиши жамиятнинг кенг қамровли билим, маълумот ва янги ғоялари ҳамда уларни унумли қайта ишлаш салоҳиятга боғлиқ.

Кейинги йилларда барча ривожланган мамлакатларда кўчмас мулк ва моддий объектларга нисбатан корхонанинг сармоясини интеллектуал капитали орқали жадал ривожлантирилиши кузатишмоқда. Бу тенденция оғир иқтисодий шароитларда ҳам сақланиб қолинмоқда. Барча мамлакатларда корхона инвестицияси интеллектуал капитал орқали моддий сармоясининг ўсиши кузатишмоқда. Бу ҳатто глобал инқироз даврида ҳам ўзининг мустаҳкамчилиги (ишончлилиги) билан ҳам ажралиб турди. Бу шу билан асослантирилмоқдаки, ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши интеллектуал салоҳият орқали корхона сармояси ўсишига хизмат қилади. Евро Иттифоқи ва АҚШдаги тадқиқотлар натижасига кўра, интеллектуал капитал киритилиши меҳнатдаги ишлаб чиқариш самарадорлиги суръатининг 20 % дан 34 % гача ўсишини ташкил этди.

Иккинчидан, интеллектуал капиталнинг ўсиши ҳам иш ҳақининг тенгсизлиги ва бандлик учун катта оқибатларни келтириб чиқаради.

Иқтисодиёт интеллектуал капиталга урғу берган ҳолда қўлда бажариладиган колоқ бўлмаган ва когнитив операцияларни амалга оширувчиларнинг ҳам кўникмаларини мукофотлайди, шунингдек, пировардида ходимларга караганда интеллектуал капитал мулкдорларига айланадиган инвесторларни кўпроқмукофотлаши мумкин.

Чет эл амалиётида интеллектуал капитални ривожлантириш олий мактабларда давлат томонидан илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ёрдамида амалга оширилади. Буюк Британияда интеллектуал капитални ривожлантириш икки томонлама қўллаб-қувватлаш тизими воситасида амалга оширилади. Стратегик молиялаш бир йўла бериладиган субсидиялар орқали амалга оширилади. Инновациялар, университетлар ва ваколатлар департаменти тадқиқотлар кенгашларини молиялайди, тадқиқотлар кенгашлари эса, ўз навбатида, мамлакатда тадқиқотларга лойиҳа асосида инвестиция киритади. Шундай қилиб, бир йўла бериладиган субсидиялар барқарорликни ва университетлар ўз ривожланиш дастурларига мувофиқ сарфлаши мумкин бўлган стратегик ресурсларни таъминлайди, айти пайтда тадқиқотлар кенгашлари томонидан лойиҳа асосида молиялаш турли лойиҳалар ўртасида кескин рақобат юзага келишини таъминлайди.

Ирландияда олий ўқув юртининг интеллектуал капитали олий таълим ва саноат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш орқали тараққий этмоқда. Бунда давлатнинг инновацион жараёнлардаги роли катта аҳамиятга эга: олий таълим тизими билан саноат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш борасидаги бир қатор ташаббуслар кенг қўллаб-қувватланмоқда. Билимларни тўплаш ва алмашиш, инновациялар яратиш ва имкониятлардан фойдаланиш мақсадида фан, инженерия ва технология марказларининг таъсис этилиши бундай ташаббусга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Олий ўқув юртлари қошидаги амалий тадқиқот марказлари у ёки бу лойиҳадаги тижорат имкониятларини аниқлаш, корхоналар билан шартномалар тузиш, университет кафедраларининг интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тадқиқотчилар билан иш олиб оради. Бундан ташқари, академик

тадқиқотчилар билан саноат ўртасидаги алоқалар стратегик тадқиқот кластерлари ичида ҳам қўллаб-қувватланади. Норвегияда таълим ва фаннинг ўзаро ҳамкорлигига катта эътибор қаратилади, бу ерда кўп сонли давлат ва хусусий илмий тадқиқот институтлари мавжуд (уларнинг улушига ўқитувчилар илмий тадқиқот фаолияти учун харажатларнинг қарийиб 23 фоизи ва барча илмий тадқиқотларнинг тахминан 27 фоизи тўғри келади). Норвегиянинг барча олий ўқув юртлари фундаментал тадқиқотлар олиб бориши ва ОЎЮ битирувчиларининг ишидан ҳамда докторантлар дастурларидан фойдаланган ҳолда илмий ходимларни тайёрлашни амалга ошириши шарт. Университетлар нафақат фундаментал тадқиқотлар олиб бориши ва илмий ходимларни тайёрлашнинг амалга оширилиши учун, балки ўз ходимлари томонидан яратилган ихтиролар натижаларидан тижорат йўлида фойдаланиш учун ҳам жавоб беради. Давлат инвестицияларининг улуши нисбатан юқори, ЯИМнинг 1,7 фоизига яқин.

Сингапурнинг олий мактаб интеллектуал капиталини ривожлантириш борасидаги тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Сингапур олий ўқув юртларидаги олимлар тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида катта ўзгаришга қўл урди. Бундай стратегиянинг мақсади олимларнинг жисмоний ва эмоционал бардамлигини таъминлаш (мослаштириш), уларнинг илмий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва имкон қадар очиб бериш, илмий ютуқларни молиявий рағбатлантириш ва ҳоказолардан иборат. Таълим кенгаши томонидан илмий тадқиқотларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда. Олимнинг кучли ва заиф томонлари аниқланади, аспирантура тугаганидан кейин олим 2 йилни илмий тадқиқот институтида ўтказади, сўнгра саноат, корпоратив лабораториялар, давлат бошқаруви, олий ўқув юртлари ёки илмий тадқиқот институтларига йўللardan бирига танлайди. Сингапурда ҳам «A*STAR» фан, технологиялар ва тадқиқотлар агентлиги мавжуд бўлиб, у фан ва технологиялар давлат секторини назорат қилади, 12 та илмий тадқиқот институтини бошқаради, университетлар ва бошқа

тузилмаларга грантлар ажратиб, мамлакатнинг ёш олимларини жаҳоннинг энг яхши олий ўқув юртларига юборади. Иқтидорли олимлар учун турли мукофотлар ва стипендиялар тўланади. Докторлик ишидан кейинги тадқиқотлар «A*STAR» халқаро ташкилоти томонидан тўланадиган стипендиялар ҳисобидан молияланади. Халқаро алоқаларни кенгайтириш ва янги кўникмаларга эга бўлиш мақсадида аспирантлар икки йил мобайнида етакчи чет эл лабораторияларида тадқиқотлар ўтказадилар. Фан учун давлат харажатлари бир йилда 600 млн. АҚШ доллари + 35 % хусусий маблағларни ташкил қилади. Бундан ташқари Сингапур ҳукумати ҳар доим субсидиялар, солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган қарзлар бериб туради ҳамда университетлар қошидаги бизнес-кластерларни ривожлантириш мақсадида илмий тадқиқотлар ва корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун турли молиявий ёрдам кўрсатади. 2011 - 2016 йилларда илмий тадқиқотларни молиялаш учун 16.1 млрд АҚШ доллари сарфлаш режалаштирилган. Сингапур ҳукумати ва таълим вазирлиги қўшма технологик компаниялар ташкил этиш мақсадида университетларни ўз илмий тадқиқотлари ва натижаларини тижорат маҳсулотига айлантиришга даъват этади. Американинг айрим университетларида олимларнинг илмий тадқиқот ишлари грантлар кўринишида ташқи манбалардан, шу жумладан хусусий бизнес ва ҳукумат ташкилотлари томонидан молияланади. Хусусий инвестициялар ҳақида тўхталадиган бўлсак, илмий тадқиқотлар натижаларидан фоизлар олувчи ва грантлар кўринишида молияланадиган нотижорат ташкилотлари акцияларнинг катта улушига эга бўлгани ҳолда олимларни грантлар бериш орқали қўллаб-қувватлайди. Бундай грантлар нуфузли ва рақобатбардош.

Агар олий ўқув юртидаги олим тадқиқот ўтказиш борасида тажрибага, илмий тадқиқотлар соҳасида, айниқса китоблар ёзиш ва чоп эттиришда салмоқли хизмат рўйхатига эга бўлса, у ҳолда кўп сонли грантларни олиш эҳтимоли катта. Ёш олимларда тадқиқотлар улушининг кичиклиги туфайли молиялашнинг бундай турида имкониятлар кам. Университет профессорлар

таркиби учун энг қулай ёндашув – жаҳонда машҳур олимлар томонидан ўтказилайган тадқиқот лойиҳаларида ва қатор ишланмаларда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этишдан иборат. Айнан олий ўқув юрти «бизнес ангел» сифатида иштирок этади. У факультетларга олимларнинг илмий тадқиқот ўтказиш салоҳиятини сақлаб туриш мақсадида кичик ҳажмдаги пул маблағлари суммасини ажратади. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари таркибининг муваффақиятли тадқиқотчилик фаолияти унинг даромадини оширади. Шундай қилиб, олий ўқув юртининг интеллектуал капиталини ривожлантириш чет эл амалиётидаги қуйидаги асосий йўналишларни ажратиш мумкин:

- янги илмий-амалий ғояларнинг муваффақиятли қўлланилиши тасодифан юз бермайди, улар узоқ муддатли истиқболдаги тадқиқотларни ўзида намоён этади ва кўп жиҳатдан хусусий инвестицияларга ҳам академик инвестицияларга ҳам боғлиқ;

- университетни молиявий қўллаб-қувватлаш илмий ғояларни илгари суриш учун муҳим соҳа ҳисобланади, улар келгусида бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш ёки ҳатто улардаги янги йўналишларни барпо этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- илмий сиғимли бозор ҳамда хорижий бизнес-ангеллар ва бизнес-капиталистлар салоҳияти олий ўқув юртининг интеллектуал капиталини диверсификация қилиш мақсадида илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг илгари сурилишини белгилаб беради;

- иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва давлат сектори билан қалин ҳамкорлик олий ўқув юртларининг илмий ҳамжамиятларига ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш ва ўз ютуқларини иқтисодиётнинг турли секторларига жорий этиш имконини беради;

- университетнинг интеллектуал капиталини ривожлантиришда чет мамлакатларда давлатнинг роли ва унинг ИТТКИни молиялаши асосий ўрин тутади.

Олий ўқув юртининг интеллектуал капиталига ва ИТТКИ га киритилган давлат молиявий маблағлари ва хусусий инвестицияларнинг улуши қандай роль ўйнашини тушуниш учун ҳомий компанияларнинг баланс ҳисоботлари ва бизнес-ангелларнинг молиявий маблағларни жалб қилишда ИТТКИга балансдан ташқари харажатларини кўриб чиқиш даркор.

Муаллифлар томонидан шу нарса аниқландики, бугунги кунда эндигина шаклланаётган кўп полярли оламда фан тараққиётининг тўртта асосий маркази юзага келмоқда – АҚШ (харид қобилияти паритети бўйича ИТТКИга жаҳон харажатларининг 35 фоизи), Европа Иттифоқи (24 %), Япония ва Хитой (тахминан 12 фоиздан) Университет фани фаолиятнинг юқори рақобат соҳасига айланди. Хитой ўтган ўн йилликда ИТТКИга харажатлар бўйича жаҳонда учинчи ўринга чиқди ва яқин вақт ичида Японияни иккинчи ўридан сиқиб чиқариши, 2020 йилларда эса АҚШ билан тенглашиши кутилмоқда. Илмий мақолалар сони бўйича (2008 йилда 120 мингта) ХХР иккинчи ўринда. Хитой улушига жаҳонда чоп этилганилмий мақолаларнинг 8,5 фоизи тўғри келади, 2012 йилда эса Хитойда ИТТКИга харажатлар улуши 163 млрд АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳиндистонда ИТТКИга давлат харажатлари ЯИМнинг 0,9 фоизини ташкил қиларди, 2012 йилда эса ҳукумат дастурига мувофиқ у ЯИМнинг 1,2 фоизига етди. Ҳиндистоннинг илмий мақолалардаги улуши 3 фоизни ташкил қилади. Ҳиндистон ахборот технологиялари ва алоқа воситаларида ИТТКИни ривожлантириш бўйича жаҳонда АҚШ, Япония ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринда туради. ОЭСР маълумотларига кўра, Россияда иқтисодиётда банд бўлган 1000 нафар кишига 6,7 та илмий тадқиқот тўғри келади. Ушбу кўрсаткич бўйича етказилар – Финляндия (15,4), Япония (11,0), АҚШ (9,7), Жанубий Корея (9,5) ва Франциядан (8,3). Етакчи Ғарб мамлакатларида ИТТКИга харажатлар ЯИМнинг 2-3 фоизини, шу жумладан АҚШда ЯИМнинг 2,7 фоизини, Япония, Швеция, Исроил каби мамлакатларда эса ЯИМнинг 3,5-4,5 фоизини ташкил қилади ВВП. Хитой ИТТКИга харажатларни жуда юқори суръатлар билан оширмоқда (ЯИМнинг 1,7

фоизи). Кейинги ўн йилликда фанга харажатлар ҳажми бўйича Хитойнинг АҚШга етиб олиши кутилмоқда.

ИТТКИга харажатлар Ҳиндистонда ҳам жадал суръатлар билан ўсмоқда. 2012 йилга келиб улар ЯИМнинг 2 фоизини ташкил қилади. Европа Иттифоқи ўз олдига ИТТКИга харажатлар ҳажмини ЯИМнинг 3 фоизигача ошириш вазифасини қўйган. 2012 йилда АҚШ ИТТКИ учун 223.2 млрд доллар, Япония 141 млрд доллар, Франция 49.9 млрд доллар, Буюк Британия 39.5 млрд доллар сарфлади. ОЭСР маълумотларига кўра, корпоратив секторнинг «интеллектуал активлар» (ИТТКИ, патентлар ва савдо белгилари, кадрлар тайёрлаш, менежмент тизимини мақбуллаштириш ва ҳ.к.)га ҳар йили киритадиган инвестициялари ҳажми ҳозирги вақтга келиб етакчи ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг 8-11 фоизини, АҚШда эса ЯИМнинг 12 фоизига яқинни ташкил қилмоқда. АҚШ хусусий бизнесининг ИТТКИни умумий молиялашга қўшаётган ҳиссаси энг юқори бўлиб, федерал ҳокимиятлар мамлакатда фундаментал тадқиқотларнинг амалга оширилишини таъминлаш ва фан соҳасидаги давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш учун асосий жавобгарликни ўз зиммасига олган. ИТТКИ соҳасидаги федерал активлар капитализацияси 1,4 трлн. долларни ташкил қилади. Ушбу сумманинг тахминан ярми (692 млрд. доллар) фундаментал фанлар улушига тўғри келади. Экспертларнинг баҳоларига кўра, АҚШ, Хитой, Япония ва ЕИ мамлакатлари 2014 йилда ИТТКИга 1,6 трлн АҚШ доллари (78 фоизга яқин) сарфлайди (2-жадвал).

Умуман, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш, ишлаб чиқаришни илмий сиғими юқори бўлган технологиялар асосида шакллантириш, инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмалар салмоғини ошириш, биринчидан, мамлакатдаги барча ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи субъектлар томонидан харидорларни ҳар қандай янгиликка бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилса, иккинчидан,

саноатнинг устувор соҳаларида яратилаётган қўшилган қиймат салмоғи янада ортади.

Ҳозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республикамизнинг келажагидир. Бу шарафли вазифани бажариш ўқитувчилар зиммасига тушади. Шу сабабли юксак малакали ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилаяпти.

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий – меъёрий асоси яратилди. «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари узлуксиз таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизомини шакллантириш вазифасини қўяди. Мамалакатимизнинг биринчи президенти ўзининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобида Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” номли рисоласида шундай деб таъкидлайди: “Тарбиячи устоз бўлиши учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, аввало тарбиячиларнинг ўзи ана шундай талабларга жавоб бериши, ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак”. Бу тезис ўз навбатида ўқитувчи- тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдига қўйилган вазифалар ўта мураккаб, масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир. Ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонимиз, халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Бу вазифаларни бажариш таълим тизимида янги техника ва

технологиялардан фойдалана оладиган, юксак малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир.

2.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш

Жамиятнинг янгиланиши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотлар самараси тақдири, Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш-буларнинг барчаси замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири - бу таълим тизимини тузилиш ва мазмун жихатидан ислох қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш, юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, илғор педагогик технологияларни, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади. Бугунги кунда педагогика соҳасида янги илмий йўналиш - педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш «ўқитувчининг инновацион фаолияти» тушунчаси пайдо бўлди.

Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди. Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. Инновацион фаолият -узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Тадбиркорликни – капитални йўналтиришнинг янги соҳаларини излаш, мавжуд маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, шахсий устуворликни ривожлантириш, даромад олиш учун турли имкониятлардан самарали фойдаланиш деб таърифлаш мумкин. Шу билан бирга тадбиркорлик бозор учун янги маҳсулот ишлаб чиқариш, фаолият

соҳасининг ўзгартирилиши ёки янгиси корхона ёки тармоқ барпо этилишида мажбурий фойдаланиш деб тавсифланади.

Тадбиркорлик моҳиятини идрок этишда тадбиркорларнинг ўзаро боғлиқ тўрт фаолиятини алоҳида кўрсатган америкалик иқтисодчилар Р.Мак Коннелл ва С.Ю.Брюларнинг қуйидаги нуқтаи назарлари алоҳида аҳамият касб этади:

- тадбиркор ер, маблағ ва меҳнат ресурсларини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат жараёнига бирлаштириш ташаббусини ўз зиммасига олади;


- тадбиркор бизнесни олиб бориш жараёнида асосий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни, яъни бизнесни ривожлантириш йўналишлари, корхона фаолияти йўналишини белгиловчи операцияларни ўз зиммасига олади;

- тадбиркор янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришга интилувчи, янги ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқарувчи ёки бизнесни ташкил қилишни ва ривожланишнинг янги шакллари олиб кирувчи ташаббускор шахсдир;

- тадбиркор тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган хавфни ўз зиммасига олади, зеро, тадбиркор учун даромад олиш кафолатланмаган, сарф этилган вақт, ҳаракат ва қобилиятлардан даромад олиш баробарида зарар кўриш ҳам мумкин. Бундай ҳолларда тадбиркор нафақат ўзининг ўз вақти, меҳнати ва ишбилармонлик обрўси билан, балки сарф этилган маблағ билан ҳам таваккал қилади (11-расм).

Шундай қилиб, ижодкорлик тадбиркорлик вазифаларидан бири бўлиб, тадбиркорлик фаолиятида доим мавжуд бўлиши шартдир. Дарҳақиқат, янги ғояларни излаш ва уларни татбиқ этиш тадбиркорликнинг энг муҳим ва шу билан бирга энг мураккаб вазифасидир, чунки, бу ҳолда тадбиркордан нафақат ижодий фикрлаш ва янги ечимларни топиш, балки истиқболли фикрлаш, келажакдаги жамиятнинг эҳтиёжларини кўра олиш хусусиятини

хам талаб этади. Инновация – тадбиркорликнинг алоҳида қуроли, тадбиркор она фикрлаш инновацион кўринишидир.



11-расм. Тадбиркорлик фаолияти турлари

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай инновацион фаолият тадбиркорликдир, зеро, у янги ғояларни излаш (ва уларни баҳолашга янги маҳсулотдан тортиб то таркибга қадар); зарур ресурсларни излаш; корхонани яратиш ва бошқариш; моддий даромад олиш ва унинг натижасидан шахсан қониқишга асосланади.

Шунга кўра тадбиркорликнинг икки модели ажратиб кўрсатилади. Биринчи модель – тадбиркорлик ташкилоти тасарруфида мавжуд ресурслардан максимал қайтариш ҳисоби билан фаолиятни ташкил этишга қаратилган классик тадбиркорлик (анъанавий, сермахсул, эскириб қолган).

Тадбиркорликнинг айнан классик моделида ишлаб чиқаришнинг ўсиш концепцияси шакллантирилади, унинг татбиқ этилиши давлат томонидан қўллаб-қувватлашни, тадбиркорлик фирмаси учун ташқи субсидиялаштириш омиллари ҳисобига ўтказиладиган тадбирлар учун вақт талаб этади. Бундан ташқари, фирма фаолияти самарадорлигини ошириш учун унинг ички захиралари ҳам фойдаланилади.

Иккинчи модель – корхона ривожланишининг янги йўллари назада тутувчи, инновациялар ёки ўсиш концепцияси ҳақида гапиришга имкон берувчи инновацион тадбиркорликдир. Инновацион тадбиркорлик бутунлай инновацияга асосланган, шунинг учун бундай фаолият натижаси янги маҳсулот ёки асосан янги тавсифлар ва хусусиятларга эга бўлган янги маҳсулот ёки янги технологиялар бўлиши мумкин.

Одатда, ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти ўз ичига кичик инновацион фурсатни олади, масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш учун ташкилотдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усуллари жорий қилиш ёки янги технологиядан фойдаланиш. Бозорга анъанавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг техник элементлари ёки ишлаб чиқаришдан товар сифати тавсифи ўзгариши билан боғлиқ қандайдир янги элементлари ёки усуллари қўллаш билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Инновацион тадбиркорликнинг ривожланиш зарурати куйидаги омиллар билан шартланади:

- иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи ишлаб чиқаришнинг интенсив омили ролини ошириш;
- ишлаб чиқиш самарадорлигини кўтаришда фаннинг муҳим роли ва янги техникани жорий этиш;
- яратиш муддатларини сезиларли қисқартириш зарурати, янги техникани ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини кўтариш, ихтирочи ва рационализаторлар ижодини оммавий ривожлантириш зарурати;
- натижаларнинг ноаниқлиги, тадқиқотларнинг кўпвариантлилиги, таваккалчиликнинг мавжудлиги ва салбий натижаларга эришиш мумкинлиги билан ифодаланувчи илмий-техникавий ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хослиги;
- сарф-харажат ортиши ва янги маҳсулотни ўзлаштиришда корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайишида; техника ва технологиянинг шиддатли маънавий эскиришида; янги техника ва технологияни тезкор татбиқ этишнинг объектив зарурати билан ва ҳ.к.

Инновацион тадбиркорликнинг ривожланиши истеъмолчилар томонидан инновацияларга, миллий иқтисодиётнинг илмий-техник салоҳияти ривожланиши, таваккал инновацион фаолиятни молиялаштирувчи венчур фирма ва инвесторлар фаолиятига боғлиқ.

2-жадвалда инновацион тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар келтирилган.

**Инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга
кўмаклашувчи омиллар**

№	Омиллар гуруҳи	Омиллар
1.	Иқтисодий, технологик	Молиявий, моддий-техника воситалари захираси, илғор технологиялар; зарур хўжалик ва илмий-техник инфратузилма, инновацион фаолиятни молиялаштирувчи давлат дастури; инновацион фаолият учун моддий рағбатлантириш; инновацияларни татбиқ этиш ва кўпайтиришнинг мақсадга мувофиқлигини экспериментал текшируви, тадбиркорлик таваккалчилигини камайитиш учун янгиликнинг рақобатбар-дошлигини текшириш
2.	Сиёсий, ҳуқуқий	Инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қонунчилик чоралари, инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши
3.	Бошқарув-ташкилот	Ташкилий таркибларнинг эгилувчанлиги, бошқарувнинг демократик услуби, ахборотнинг горизонтал йўналиши, устувор-лиги ўз-ўзини режалаштириш, тузатишлар киритиш, номарказлаштириш, автономия, муаммоли, мақсадли гуруҳларни шакллантириш, реинжиниринг
4.	Ижтимоий-психологик ва маданий	Маънавий рағбатлантириш, жамоатчиликда тан олиниш, ўз-ўзини намоён этиш имкониятини таъминлаш, ижодий меҳнат эркинлиги. Меҳнат жамоасида меъёрий руҳий муҳит

Инновацион тадбиркорлик – ғоя ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали янги товар ва технологиялар яратиш жараёни ҳисобланади. Одатда, тадбиркорлик фаолияти замирида янги эҳтиёжларни қондиришга имкон берувчи, янги бозорни барпо этиш, маҳсулот ёки хизматлар соҳасига янгилик киритишдир. Инновациялар – тадбиркорликнинг махсус қуроли бўлиб, бунда инновациялар ўз ҳолича эмас, балки янгиликларни йўналтирилган ташкилий излаш, уларга тадбиркорлик таркибларининг мунтазам қаратилганлигидир. Тадбиркорлар фикрлашнинг инновацион турини фарқлайди, инновацион фаолият эса ўзида тадбиркорликнинг алоҳида қуролини акс эттиради.

Шундай қилиб, тадбиркор-новаторнинг вазифаси – ихтироларни татбиқ этиш билан бирга ишлаб чиқаришни ислоҳ қилишдир, янада кенгроқ маънода янги технологик имкониятларни қўллаш орқали янги маҳсулотларни ишлаб

чиқариш ёки тайёр маҳсулот бозори очилиши ёки янги манбанинг очилиши эвазига эски маҳсулотларни янги услубда ишлаб чиқаришдан иборат.

Инновацион тадбиркорлик – янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир, хўжалик жараёни, унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йўналтирилганлик ётади. Бу мавжуд лойиҳани такомиллаштириш ёки янгисини амалга оширишдаги таваккалчиликни, шунингдек, бу жараёнда юзага келадиган молиявий, маънавий ва ижтимоий жавобгарликни тадбиркор ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ. Инновацион тадбиркорлик жараёнида ўз хусусиятларига кўра инновациялар орқали янгилик киритиш амалий фойдаланиш орқали (маҳсулот ва хизматлар, олий маҳсулотлар) ва технологиялар воситасида ишлаб чиқарилади.

Инновация ёки янгилик киритиш янги жараён, янги воситани маҳсулот жараёнини (техник, иқтисодий, ташкилий, маданий ва б.) яратиш ва фойдаланиш. Фаолият воситалари маҳсулот ва услубларини такомиллаштирувчи радикал янгилик ва янгиликларни ажратади.

Инновацион тадбиркорликнинг айнан уч асосий тури мавжуд бўлиб, қуйидагиларга қаратилган:

- маҳсулотларнинг инновациялари;
- технология инновациялари;
- ижтимоий инновациялар.

Инновацион тадбиркорликнинг биринчи тури мос равишда корхонанинг сотиш салоҳиятини янгилаш, мўлжалланган жараёни, ўз навбатида, олинadиган фойда ҳажмини кўпайтириш, бозордаги улушининг кенгайтирилиши, миқдорларни ушлаб туриш, мустақил ҳолатни мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш, янги иш жойларини яратишга қаратилган. Технологик инновациялар – энергия, ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилаш жараёни бўлиб, тежаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга ва энергия хомашёси ва бошқа ресурсларни оширишга қаратилган, бу корхона фойда ҳажмини оширишга имкон беради. Техника хавфсизлигини

такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, фирма ички ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Ижтимоий инновациялар корхонанинг ижтимоий муҳитини режали яхшилаш жараёнидир. Бу турдаги инновацияни татбиқ этиш бозорда ишчи кучи имкониятларини янада кенгайтиради, ташкилот персоналини қўйилган мақсад сари сафарбар этади, корхонанинг ижтимоий мажбуриятларга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Инновацион жараёни ташкил этиш усули асосида корхонада инновацион тадбиркорликнинг уч моделини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1) ички ташкилотчилик асосида инновацион тадбиркорлик, бунда инновация фирма ичида унинг махсус бўлинмалари томонидан инновацион лойиҳа бўйича уларнинг режалаштириш ва назорат асосида ўзаро ҳаракатида яратилади.

2) шартномалар ёрдамида ташқи ташкилот асосида инновацион тадбиркорлик, бунда ва/ёки ўзлаштиришга буюртма, инновация тарафдор ташкилотлар ўртасида жойлаштирилади.

3) венчурлар ёрдамида ташқи ташкилот асосида инновацион тадбиркорлик, бунда фирма инновацион лойиҳанинг татбиқи учун қўшимча томонларнинг маблағларини жалб этувчи шуъба венчурлик фирмаларини таъсис этади.

Кўп ҳолларда инновацион тадбиркорликнинг иккинчи модели фойдаланилади, яъни корхона янгиликларни ишлаб чиқишга буюртма бермайди, балки уларни ўз кучи билан ўзлаштиради.

Инновацион тадбиркорликнинг барча турлари асосида маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг янги турларини тайёрлаш, буюмлар яратиш, бойликларни яхшиликларга яратиш ва ўзлаштириш ётади. Бундай тадбиркорликнинг асосий ва муҳим қисми келгусида истеъмолчи ва харидорларга етказиб бериладиган илмий-техник маҳсулот, товар, иш, ахборот, интеллектуал

бойлик яратиш ва ишлаб чиқаришдир. Инновацион тадбиркорликнинг намунавий схемаси 1-расмда келтирилган.

Тадбиркорга янги турдаги маҳсулот (товар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш учун илмий-техник маҳсулот яратиш жараёнида ишлатиладиган, материалларни қайта ишлаш учун энергия ва бошқа кўринишдаги айланма маблағ керак бўлади. Бундан ташқари, илмий-техник маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиши мумкин бўлган жамловчи маҳсулотларга, яримфабрикатларга, яъни тайёр таркибий қисмларга эҳтиёж юзага келиши мумкин.

Зарур материаллар, хомашё ва жамловчи маҳсулотларни (М) корхона материал сони ва унинг баҳосидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг қийматини тўлаб, айланма маблағ эгаларидан сотиб олади.

Илмий-техник маҳсулот (товар, хизмат)лар ишлаб чиқариш учун корхонага, шунингдек, иншоот кўринишида асосий воситалар, бино, махсус асбоб-ускуна, асбоб ва бошқалар зарур. Ташкилот уларни сотиб олиши ёки асосий восита эгаларидан маълум вақтга ижарага олиши мумкин. Инновацион фаолиятга зарур бўлган нарсалар учун мулкдорларга пул миқдорини тўлаши лозим, пул миқдори асосий воситаларнинг тури, сони ва баҳосига боғлиқ. Асосий воситаларнинг Асосий воситаларнинг ижарасида тўлов унинг ишлатилиш муддатига боғлиқ бўлади.

Инновацион тадбиркорликни амалга ошириш учун ташкилот маълум пул ресурсларини (ДБ) сарфлаган ҳолда, шунингдек, илмий-техник кадрларни, ишлаб чиқариш ходими, яъни ишчи кучини (РС-И) жалб қилиши зарур.

Агар корхона ўзининг пул маблағларига эга бўлмаса ёки инновацион фаолиятни амалга ошириш учун улар етарли миқдорда бўлмаса, бунда маблағ кейинги тўлов ва фоизли кредит (Дк) асосида корхона томонидан коммерция банкларидан олиниши мумкин.

Бундан ташқари, пулли асосда ўз вақтида зарур ахборот (Ди) олмай туриб инновацион тадбиркорлик бўлиши мумкин эмас.

Корхона инновацион фаолиятни татбиқ қилишда зарур бўлган айрим иш вахизматларни бажариш учун буюртмаларни пулли асосда талабгор ташкилотларда жойлаштириши мумкин.

Инновацион тадбиркорликни амалга ошириш учун зарур пул маблағларига эҳтиёж мос равишда қуйидаги формула орқали баҳоланади:

Шуни таъкидлаш лозимки, санаб ўтилган босқичлар доим ҳам кетма-кетликда амалга оширилмайди, айрим босқичлар кўпинча параллел равишда амалга оширилади ва бу инновацион фаолият жараёнини тезлаштиради. Дарҳақиқат, бизнес-режани ишлаб чиқиш билан бирга ғоялар танланади ва баҳоланади, шу вақтнинг ўзида яратилаётган инновацион ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилиши ва патент олиш учун талабнома берилиши мумкин. Инновацион тадбиркорлик учун янги ғояларни излаш ва яратилаётган интеллектуал маҳсулотни ҳимоя қилиш каби босқичлари айнан муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳар доим қандайдир аниқ ғояларга асосланади. Фаоллик ва журъатга асосланган тадбиркорлик ғояси, шахсан тадбиркорнинг инновацион ташаббуси ҳар бир қисмигача пухта ўйланган бўлиб, нафақат ишлаб чиқариш жараёнини бутунлай қамраб олади, балки унинг бир ёки бир неча алоҳида қисмларини ҳам қамраб олиши мумкин. Тадбиркорлик ғоясининг айнан фрагментар шаклига диққатимизни қаратиб, ғояни татбиқ этиш мумкин бўлган тадбиркор фаолиятидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиб ўтамиз:

- ишлаб чиқариш бошқариш тизимининг ўзгартирилиши;
- янги техника ёки технологияни қўллаш;
- товар ишлаб чиқаришда янги, янада тежамкор ёки мустаҳкам материалдан фойдаланиш;
- маҳсулот ўрами, дизайнини яхшилаш;
- корхонанинг реклама кампаниясини ташкил этиш схемасининг янгиланиши ва ҳ.к.

Лекин тадбиркорлик фирмасининг инновацион фаолият характери нафақат ишлаб чиқариш омилларига нисбатан, ишлаб чиқариш жараёни ўзини ташкил этиш ёки маҳсулотнинг ўзида намоён бўлмай, балки ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган одамлар фаолиятини ташкил этишга нисбатан ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бу ҳолларда тадбиркорлик ғояси қуйидаги ҳаракатларда асосланиши мумкин:

- “малакаси етарли бўлмаган ишчиларни бўшатиш” мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчиларни қисман ёки бутунлай алмаштириш;

- ушбу мақсадларга жалб этиш шартлари ва манфаатлари ҳисобига ишлайдиган жамоада “ўзига хос руҳият”ни яратиш;

- ҳар бир ишчи томонидан ўз иш вақтидан унумли фойдаланиш чораларини қабул қилиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, инновацион ғояни ноёб маҳсулот, товар, хизмат ёки уларнинг яхшиланган вариантлари ёки модификацияларини, шунингдек, янги нусхаларини ишлаб чиқариш каби реал мавжуд имконият деб белгилашимиз мумкин. Тадбиркор ўзи учун, шунингдек, унга қандайдир маълум инновацион ғояни топишга кўмак берувчи ахборот манбаларини алоҳида ажратиши муҳим.

Бундай манбалар бозор ва бозор эҳтиёжлари ҳақидаги аниқ билимлар, янги технология, материаллар, ишлаб чиқариш услубларининг пайдо бўлиши, таъминотдаги маълум маҳсулотга эҳтиёжнинг таркибий ёки географик узилишлари бўлиши, инновацион ғояларнинг аниқ манбалари сифатида намоён бўлиши мумкин:

- истеъмолчилар, яъни истеъмол талабини ўрганиш;
- маҳсулот, хизматнинг такомиллаштирилган ёки ноёб вариантларини яратишга имкон берувчи, янги материал, товар хусусиятлари ёки ихтирочилик билан машғул бўлган олимлар;

– рақобатчилар, айрим ҳолларда истеъмол талабини ўрганишга қаратилган уларнинг фаолияти, тадбиркорни ўзининг шахсий инновацион ғоясини шакллантиришга тўртки бўлиши;

– савдо агентлари, дилерлар ва бошқа воситалар;

– инновацион фаолиятнинг маълум элементлари бўйича тадбиркорнинг маслаҳатчилари;

– бевосита ташкилотнинг ишчилари.

Айрим фирмаларда инновацион ғоялар манбаи сифатида айнан корхона ходимларидан фаол фойдаланадилар, бунинг учун янги товарларни ишлаб чиқариш бўйича рағбатлантиришнинг алоҳида усуллари қўллайдилар.

Инновацион ғоялар манбаларини кўрсатишда етти манба намоён этилди:

1) қўтилмаган ҳодиса (ташкилот ёки тармоқ учун – қўтилмаган муваффақият, қўтилмаган муваффақиятсизлик, қўтилмаган ташқи ҳодиса);

2) ноконгруэнтлик – реаллик ўртасида номувофиқлик, ҳақиқатда қандай бўлса, у ҳақидаги тасаввуримиз (шундай, қандай бўлиши керак бўлгандай);

3) жараён эҳтиёжларига асосланган янгиликлар киритиш (жараён эҳтиёжларида унинг камчиликлари ва “салбий жойлари” назарда тутилиб, улар бартараф этилиши мумкин ва шарт;

4) бозор ёки соҳа таркибидаги кескин ўзгаришлар;

5) демографик ўзгаришлар;

6) қабул қилиш, қайфият ва қимматли кўрсатмаларда ўзгаришлар;

7) янги билимлар (илмий қаби ноилмий ҳам).

Биринчи тўрт манба корхона ичида бўлиб, саноат тармоқлари ёки хизмат кўрсатиш соҳаси тасарруфида бўлганлиги сабабли ички манбаларга киради, шунинг учун шу корхона ёки тармоқда ишловчи одамлар учун фойдаланиш имкониятига эга. Янгилик киритишнинг қолган уч манбаи ташқи ҳисобланади, чунки корхона ёки тармоқ ташқарисида жойлашган мазкур корхона ҳаракати натижасида юзага келган. Аммо ушбу етти

инновацион ғоя орасидаги чегара муқим эмас ва ўзаро алмашилиши мумкин, лекин бунда барча етти манба муҳим ва самарасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, соҳаларнинг биронтаси бошқаларига кўра бирламчи жуда муҳим бўлмаса-да, улар олдиндан айтиб бериш ва таҳлил қилишнинг аниқлиги пасайиб бориши тартиби бўйича жойлаштирилади. Биронта соҳа уларга биринчи ажратиб кўрсатиладиган манба, муваффақиятли инновация учун кутилмаган ютуқ каби катта имкониятни бермайди.

Кутилмаган ютуқ, инновациянинг имкониятини кўрсатибгина қолмай, балки уни талаб этади, чунки кутилмаган ютуқ раҳбарият қарашларининг чекланганлигини кўрсатади, иқтисодий реаллик билан уни уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади. Ташқи муҳитдаги бошқа кутилмаган ҳодисаларга ҳам эътибор қаратиш лозим, масалан, рақобатчиларнинг кутилмаган ютуғи ёки муваффақиятсизлиги. Бу манба айниқса йирик ва етук компаниялар учун муҳимдир, чунки уларда умумий кўриниш яхши намоён бўлади ва улар учун кўпроқ манбаларни жалб этиш имконияти муҳим аҳамият касб этади.

Навбатдаги манба — ноконгруэнтлик. Номўътадиллик яратувчи реалликда намоёиш этилган восита, унинг ёрдами билан ҳатто кичик бир интилиш ҳам бутун иқтисодий механизмни ҳаракатга келтириши мумкин. Бундай ноконгруэнтлик янгилик киритишдан олдин туради. Аммо уни ажратиб кўрсатиш анча мушкул, чунки у миқдорийдан кўра сифат тавсифига кўпроқ эга бўлади.

Янгилик киритишга имкон берувчи вазифа шундай: ташкилотдаги ҳар ким заиф бўгин мавжудлигини билади, лекин ҳеч ким чора кўрмайди. Лекин, янгилик киритилиши билан у маълум нарса каби қабул қилинади ва тезда меъёрга айланади. Бу манбани ишлатишдаги муҳим дақиқа, айтилаётган эҳтиёжни қондириш учун янги билимлар олиш заруратидир.

Компания ёки соҳа учун янгилик киритишнинг энг сўнгиси бозор ёки тармоқ тараққийлик ўзгариши ҳисобланади. Ушбу таркиб кўп йиллар давомида ўзгаришсиз қолиши ва муқим янгилик кўринишида бўлиши

мумкин, ҳақиқатда у “заиф” бўлади. Соҳа таркибидаги кутилаётган ўзгаришнинг тавсифли белгилари тезкор ривожланиш ва технологияларнинг уйғунлашуви.

Инновацион ғояларнинг энг муҳим манбаларидан бири – демографик ўзгаришлардир (аҳоли таркибидаги, жинс ва ёш тизимидаги, иш билан бандлиги, маълумот даражасидаги даромади). Ушбу ўзгаришларнинг муҳимлиги, уларни ҳисобга олиш зарурати тан олинган, лекин, шу билан бирга, ушбу ўзгаришларни кундалик иш амалиётида ҳисобга олиш муҳим эмас, деган қатъий фикр ҳам мавжуд. Демографик ўзгаришларни олдиндан башорат қилиб бўлмаслик мумкин, аммо уларни идрок этиш ва уларни қўллаш орасидаги муддат анча катта, бу эса уларни назарда тутиш лозимлигини тақозо этади. Улар айнан кундалик иш амалиётида ҳисобга олинмаганлиги билан инновацион тадбиркорлик учун муҳимдир.

Инновационликнинг навбатдаги муҳим манбаи зеҳн ва қимматли кўрсатмаларнинг ўзгаришидир. Агар қабул қилиш биринчи таъкидлашдан иккинчисига қадар ўзгарса, янгилик киритиш учун реал имкониятдир. Кутилмаган ютуқ ёки муваффақиятсизлик, одатда, кайфият ўзгаришини билдиради. Бундай ўзгариш юз берган ҳолларда, фактлар ўзгармайди, балки уларга муносабат ўзгаради.

Янги билимларга асосланган янгиликлар ўзининг асосий тавсифлари билан бошқа янгиликлардан фарқ қилади: вақтни қамраб олиш, муваффақиятсизликни олдиндан башорат қилиш ва тадбиркорга бўлган талаб даражаси.

Янгилик ёки ихтирони кашф этиш ва уни ишлаб чиқаришдан амалий технология даражасигача ҳамда бозор томонидан ўзлаштирилишигача бўлган вақтдаги тафовут тахминан 20 – 25 йилни ташкил этади. Бу узилиш янги билимларга асосланган янгиликлар киритилишига оиддир. Бундай янгиликлар киритилишининг алоҳида белгилари, шунингдек, бир неча янги ғояларнинг бирлашуви бўлиб, бунда улардан айримлари илмий тадқиқот натижаси бўлмаслиги ҳам мумкин. Ниҳоят, янги билимларга асосланган

янгиликлар, бошқа асосийлари билан биргаликда таваккалликнинг янада катта улишини олиб боради. Инновацион ғоя манбаларини мунтазам назорат қилувчи тизимга янгибилимларнинг интеграциялашуви ва инновацион бошқарувни тизимли қўллаш янгилик киритиш жараёнини янада муваффақиятли қилиши мумкин. Муҳим ёрқин ғояга асосланган янгилик киритиш янада инқилобийдир. Кўпгина тармоқларда ўтказилаётган тадқиқотлар ўткир илмий ғояларни излаш ва уларни қўллашга қаратилган бўлиши лозим. Инновацион ғоя туғилиши ва ўзлаштирилишидан сўнг муҳим вазифаларни тақсимлаш, маълум ҳаракат дастурини шакллантириш, ундан кейин аниқ режалаштириш ва бунинг учун зарур бўлган маълумот йиғиш даври келади.

Инновацион ғоялар шакллантирилганидан сўнг тадбиркор келгусидаги устувор ғояларни танлаб олади. Бунда у нафақат ушбу лойиҳанинг зарурлигини, балки унинг амалга ошиши қанчалик аниқ эканлигини ҳам ҳисобга олиши керак, чунки маблағ, зарур малака бўлмаса ёки ҳал қилиб бўлмайдиган тўсиқлар юзага келса, яхши инновацион ғоя ҳам амалга ошмаслиги мумкин. Шунинг учун тадбиркорлик фирмаси бирон инновацияни татбиқ қилишидан олдин, биринчидан, бирор маҳсулот бозорда яхши имконга эга ёки эга эмаслигини аниқлаши лозим (агар гап маҳсулот инновацияси ҳақида борса), иккинчидан, инновацион ғоя билан боғлиқ сўнгги қарорни қабул қилишда, шунингдек, конструктор-тадқиқодчилик ишлари билан боғлиқ ишларда қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

- лойиҳадан тушган фойда уни ишлаб чиқаришдан кўра анча юқори бўлиши;

- лойиҳани сотишдан тушган даромад билан лойиҳага оид таваккалчилик рухсат этилган чегара нисбатида бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ҳатто илғор ғоя ҳам ўз-ўзидан ижодкор корхонага бозорда автоматик равишда ютуққа кафолат бермайди.

Кўзланган мақсадга эришиш ва инновацион фаолиятдан монополь юқори фойдага эришиш учун тадбиркорлик фирмаси айрим шартларга риоя қилиши ва аниқ талабларга жавоб бериши керак:

1. Салоҳиятли истеъмолчиларнинг янгиликка бўлган эҳтиёжи ҳажмини, мазкур эҳтиёжни қондиришнинг маълум усулларида иқтисодий устуворликни аниқлаб олиши лозим. Бундан ташқари, янгилик киритиш, ишлаб чиқариш ва яратишда юзага келадиган манбалар чегарасини аниқлаш лозим, яъни янгиликнинг иқтисодий салоҳиятининг ҳар томонлама башоратини тўғри ташкил этиш лозим.

2. Инновацион ташкилотнинг муваффақиятли ривожланиши учун корхона ходимларининг айрим талабларга мослиги асосий шарт ҳисобланади. Фирма ташкилотчиларининг ёши (ўртача 30 – 35 ёш) ва уларнинг шахсий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлади: юқори жавобгарлиги.

3. Моддий-молиявий ресурсларнинг чекланганлигида ва бозорга мослашмаганликда инновацион корхоналарнинг муваффақиятида бошқарувни ташкил қилиш сифати муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун айнан кичик инновацион ташкилотлар янада самаралидир. Чунки ресурсларни кам ишлатиш билан ҳам натижага эришиш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий, ташкилий жиҳатларини тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни беришга имкон берди:

1. Республикамизнинг бозор иқтисодиёти даврида фан ва илм тараққиётини ривожланган хорижий давлатларга интеграциялаштириш ва халқаро миқёсда тажриба алмашинувини кучайтириш лозим.

2. Олий таълим тизимида замонавий таълим инновацияларини мунтазам равишда амалиётга жорий этишни ташкиллаштириш зарур.

3. Таълим жараёнида турли восита ва усуллар асосида тайёр билимларни ўрганиш миқдорини камайтириб, таълим олувчилар интеллектуал, ижодий ва мустақил фикрлаш фаолиятини кучайтириш, олган билимларини амалиётда қўллаш, назарий билимларни амалий қўллаш ҳолатига қўйувчи вазиятлар яратиш зарур.

4. Жаҳон бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида педагог-ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижий тиллар бўйича билим даражасини кучайтириш лозим.

5. Хориж мамлакатларининг илғор таълим инновацияларини чуқур ўрганиш ва олий таълим тизими амалиётига тадбиқ этиш мақсадида педагог-ўқитувчилар ва ёшларнинг илмий, ўқув, ишлаб чиқариш муассасаларида ўз малакаларини оширишга чет давлатларга сафарбар қилишни кучайтириш керак.

6. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантиришни янада кўчайтириш лозим. Айниқса, иқтидорли талабаларнинг ҳамда ёш олимларнинг илм, фан тараққиётига қўшадиган хиссаларига эътиборни ошириш лозим.

7. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида таълим ва илм-фаннинг уйғунлашувини таъминлаш, замонавий лабораториялар, ўқув, илмий ва ижодий марказлар, технопарклар, технополисларни замон талабларига мос равишда ривожлантириш зарур.

8. Олий таълим тизими ичида ва илмий текшириш институтлари билан горизонтал ва вертикал интеграциялашувини кўчайтириш, шунингдек амалий малакага эга ишлаб чиқариш корхоналаридаги малакали кадрларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш лозим.

Таклифлар ва тавсиялар

1. Миллий иқтисодиётнинг рақобатчилик муҳитини вужудга келишини таъминлаш мақсадида, ҳар бир олийгоҳ узининг инновацион жараёнларнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши зарур.

2. Олий таълим тизимида инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимида олийгоҳларнинг рақобатбардошлигини ошириш механизмларини самарали ташкил этиш, унга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, истиқболли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

3. Ҳар бир ОТМнинг бошқа ОТМларга нисбатан рақобатбардошлик даражасини ошириш бўйича истиқболли дастурлар ишлаб чиқилиши лозим. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолашда макроиқтисодий вазият, давлат институтлари сифати, инсон омили, инновацион салоҳият каби кўрсаткичлар яхшиланади

4. Фундаментал фан соҳаларидаги интеллектуал салоҳиятни ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда ишга солиш механизминини яратиш лозим.

5. Таълим жараёнида талабаларнинг мустақил фаолиятини ҳамда инновацион фаолиятларини кучайтириш зарур.

6. Кафедраларда замонавий инновацион янгиликлардан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитишни шакллантириш лозим.

7. ОТМ да замон талабларига мос равишда тез ўзгариб бораётган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш, сўнгги кашфиёт ишланмалари ва технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, замонавий усулларни кенг қўламда фойдаланиш зарур.

8. ОТМ ларнинг иқтисодий тараққиётини моддий ресурслар асосида эмас, балки инновацион шаклда, рақобат муҳитини шакллантириш орқали амалга оширилиши заруриятга айланмоғи лозим.

9. Олий таълим тизимида инновацион фаолият жараёнларини янада ривожлантиришда жаҳон таълимининг илғор анъаналари асосида илм-фан ва таълим ўртасидаги интеграцияни янада кучайтириш зарур.

10. ОТМ да инновацион фаолиятни ривожлантириш учун модулли Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

11. Олий ўқув юртларининг интеллектуал капитали мониторингини шакллантириш зарур.

12. Фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этиш лозим

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. – 15 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 48-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 31-32-сон, 304-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 616-I-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги 318-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 14-сон, 97-модда; 2007 й., 9-10-сон, 85-модда; 19-20-сон, 195-модда; 2010 й., 13-сон, 96-модда; 2013 й., 50-сон, 654-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 58-, 154-1-, 19- ва 02/2658-сонли қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 258-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 12

сентябрдаги “�збекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 80-, 211-сон қўшма қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 сентябрда 1622-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 384-модда, 40-сон, 398-модда; 2010 й., 48-сон, 451-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги “Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 169-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 304-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 24 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 24-, 2010-15-сонли қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21(417)-сон, 169-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 508-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2431) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 9 (561)-сон, 120-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 2 августдаги “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 5- ва 56-сонли қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 32-сон, 380-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1(553)-сон, 5-

модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1(553)-сон, 10-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 1 майдаги “Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 26-, 3қ-2013-сон қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26(578)-сон, 345-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20(572)-сон, 251-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1971-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22(574)-сон, 279-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги “2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 143-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22(574)-сон, 283-модда.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 3 июндаги “Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 27-, 18-сон қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26(578)-сон, 341-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги “Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларга ўқитиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 169-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 25(577)-сон, 334-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1990-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29(581)-сон, 372-модда.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 июлдаги “Корея Республикаси билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1993-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30 (582)-сон, 382-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 01-237-сон буйруғи // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28(580)-сон, 367-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 352-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2(606)-сон, 14-модда.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 2(658)-сон, 21-модда.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги танлови тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 32-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 8(664)-сон, 94-модда.

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 4 февралдаги “Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 01-02/3-07-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9 (665)-сон, 107-модда

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.,

9(665)-сон, 98-модда.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 майдаги “2015/2016 ўқув йилида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалига қабул қилиш тўғрисида”ги 140-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 26 (682)-сон, 339-модда.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33(689)-сон, 442-модда.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 25 (681)-сон, 326-модда.

32. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 24 июндаги “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2-2015- ва 57-сонли қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 26-сон, 348-модда.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 июндаги “2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига қабул тўғрисида”ги 172-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 26 (682)-сон, 339-модда.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси вакиллариининг ўқишини ташкил этиш учун Япония Ҳукумати грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 206-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 30 (686)-сон, 396-модда.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 августдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул Давлат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 241-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33 (689)-сон, 441-модда.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини

кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33 (689)-сон, 442-модда.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 ноябрдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 311-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 44(700)-сон, 563-модда.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 351-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 48(704)-сон, 608-модда.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 январдаги “Шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ва олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 14-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(711)-сон, 26-модда.

40. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.

41. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

42. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш / И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

43. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч / Ислом Абдиганиевич Каримов. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

44. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 56 б.

45. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза, 2016 йил 7 декабрь. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 48 б.

46. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

47. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Фармон, Т.: 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

48. Philip Kotler. Marketing Essentials, 1984. Филипп Котлер. Основы маркетинга. Перевод на русский язык: В.Б. Бобров. — М.: 1990. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 20.02.2012. URL: <http://gtmarket.ru/laboratory/basis/5091>

49. Болонская декларация (Bologna Joint Declaration) (1999). http://www.aic.lv/ace/ace_disk/Bologna/maindoc/Lisb_conv.pdf

50. Майкова С.Э., Федяшкина А.В. Особенности образовательных услуг с позиции маркетингового подхода. [Электронный ресурс] — URL: <http://conference.be5.biz/r2013/>

51. Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. — Т., 2015. — 249 б.

52. Шалыгина Н.П., Селюков М.В., Курач Е.В. О роли маркетинга в деятельности высшего учебного заведения // Современные проблемы науки и образования. — 2012. — № 6.; URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=7431> (дата обращения: 18.12.2015).

53. Шевченко Д.А. Маркетинговая деятельность вуза: структура, управление и содержание. // Практический маркетинг, 2013, №9. — С. 6-8.

54. Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг. Дарслик. — Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014. — Б.25.

55. www.bimm.uz.

56. www.lex.uz.

57. www.edu.uz.

58. www.ziyonet.uz.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
1.1. Инновация, инновацион фаолият ва инновацион жараёнларнинг моҳияти ҳамда уларнинг фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари раънақида тутган ўрни.....	7
1.2. Инновацион ривожланиш - кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш омили сифатида.....	30
II-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- НИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛЛАРИ	37
2.1. Хорижий давлатларда инновацион ёндашув тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари.....	37
2.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш.....	45
ХУЛОСА	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	64

Шомирзаев Махматмурод Хурамович

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
МОНОГРАФИЯ**

Масъул муҳаррир: Туймурод ШОЙМАРДОНОВ
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Техник муҳаррир: М.А.Инназаров
Мусахҳиҳ: И.И.Исмоилов
Саҳифаловчилар: Ш.Файзуллаева,
Ж.У.Кушарбаев

Теришга 11.07.2018 йилда берилди. Босишга 18.07.2018 йилда рухсат
этилди. Бичими 60x84 1/16 Офсет қоғози. Pragmatik TAD гарнитураси.
Шартли босма табағи 276
№ 177-сонли шартнома. Адади 100 нусха.

Монография ООО **“Premier -Print” хусусий фирма**
босмахонасида чоп этилди.

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳар Буюк Турон кўчаси, 45-уй